

Боқий фикр

Токи юрагингизда ўт,
билагингизда куч-қудрат
бор экан, Ўзбекистон
жаҳон ҳамжамиятида ўз
ўрнини эгаллаб бораётган
бузунги кунда «Биз киммиз,
кимларнинг авлодимиз?»
деган дивбатга ҳамisha
муносиб бўлинг.

Ислом КАРИМОВ



Kuch - bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqra boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2016-yil 17-sentabr, shanba № 75 (8932)

Устувор вазифалар белгиланди

Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 16 сентябрь кuni Жиззах вилоятига таширф буюрди.

Шавкат Мирзиёев сафар давомида вилоятнинг Жиззах шаҳри, Пахтакор, Зафаробод, Дўстлик туманларида бўлди.

Жиззах вилояти фаоллари билан бўлиб ўтган йиғилишда давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Ватанимиз озодлиги, юрт равнақи, тинчлигини таъминлаш борасидаги фаолияти, бекиёс хизматлари алоҳида қайд этилди. Халқимиз қалбидан чуқур жой олган бу буюк сиймонинг ҳаёт йўли бугунги ва келажак авлод учун ибрат мактаби вазифасини ўташи таъкидланди. Сўнгги чорак аср мобайнида эришилган оламшумул ютуқларимиз кўламини янада ошириш барчамизнинг бурчимиз эканига алоҳида урғу берилди.

Шу билан бирга, танқидий руҳда ўтган мазкур йиғилишда вилоятда саноат соҳасининг ривожланиши, етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва кузги галла экиш мавсумининг боришига доир масалалар таҳлил этилди. Иқтисодиётда олиб борилаётган ислохотларни изчил ривожлантириш борасидаги долзарб вазифалар, коммуникация тизимларини янада тараққий эттириш, ободонлаштириш, замонавий бино ва иншоотларни қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Аҳоли турар жойлари фонди ва ижтимоий соҳа муассасаларини кузги-қишги мавсумга тай-

ёрлаш, саноат ва бошқа соҳаларнинг бир маромда фаолият юритишини таъминлаш масалалари ҳам йиғилиш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Шу кuni Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди. Иш фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйгани учун Жиззах шаҳар ҳокими Асрор Қобилов ўз вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг тавсиясига кўра Жиззах шаҳар ҳокими вазифасига Абдуқаҳҳор Тўхтаев тасдиқланди.

Шу куннинг ўзида яна бир нечта ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, ишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни учун Жиззах вилояти прокурори, шунингдек, қатор туман ҳокимлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди ва уларнинг ўрнига янги номзодлар тасдиқланди.

Жиззах вилояти раҳбарияти зиммасига аниқланган камчиликларни бартараф қилиш, барча соҳа ва тармоқларни ривожлантириш бўйича белгиланган дастурларни ҳаётга изчил жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган долзарб ва истисқилли чора-тадбирлар белгилаш вазифаси юклатилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ёшларга оид давлат сиёсати — давлат томонидан амалга оширилаётган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;

ёшлар (ёш фуқаролар) — ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар;

ёш оила — эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл);

ёш мутахассис — олий ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини битирган, таълим муассасасини битирганидан сўнг олган ихтисослиги бўйича уч йил ичида ишга кирган ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган ихтисослиги бўйича ишлаётганига уч йилдан кўп бўлмаган ўттиз ёшдан ошмаган ҳодим;

ёшлар тадбиркорлиги — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ёш фуқаролар томонидан, шунингдек таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилган тадбиркорлик фаолияти.

4-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари

Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

очиклик ва шаффофлик;
ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ёшларнинг иштирок этиши;
ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги;
ёшларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги.

(Давоми 2-бетда.)

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

15 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда шу йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Асосий тадбирлар дастури асосида пухта ҳозирлик кўрилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузилди.

Сайлов округлари рўйхати сайловчилар сонига ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА



1-oktabr – O'qituvchi va murabbiylar kuni

Хар бир дарси янгиликка йўғрилган

7-бетга қаранг.



Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИЁшларга оид давлат сиёсати
тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**5-модда. Ёшларга оид давлат
сиёсатининг
асосий йўналишлари**

Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- ёшларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш;
- ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш;

ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш;

ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш;

ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;

ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш;

иктидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш;

ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш;

ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

**6-модда. Ёшларга оид давлат сиёсати
соҳасидаги давлат дастурлари,
худудий ва бошқа дастурлар**

Ёшларга оид давлат сиёсати давлат дастурлари, худудий ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин.

Давлат дастурлари, худудий ва бошқа дастурлар ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиш, жамият ҳаётида уларнинг ўрни ва фаоллигини ошириш, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

**2-боб. Ёшларга оид давлат сиёсатини
рўёбга чиқаришни амалга
оширувчи ҳамда унда иштирок
этувчи органлар ва муассасалар****7-модда. Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
ёшларга оид давлат сиёсати
соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштиради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришнинг боришини умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этади ҳамда уни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш масалалари бўйича давлат органлари ва муассасалари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ҳамкорлигини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти
органларининг ёшларга оид
давлат сиёсати соҳасидаги
ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлайди; ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги худудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун ёшларнинг эҳтиёжи мониторинги олиб борилишини ва баҳолаишини таъминлайди;

ёшларнинг бандлиги ва уларни ишга жойлаштириш сиёсати рўёбга чиқарилишини таъминлайди, меҳнат бозори ва ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш амалиёти мониторингини ташкил этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат ноижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Ёшларга оид давлат
сиёсатини рўёбга чиқаришда
иштирок этувчи органлар
ва муассасалар тизими**

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизимида қуйидагилар қиради:

таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;

давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;

маданият ва спорт ишлари бўйича органлар;

меҳнат органлари;

прокуратура органлари;

ички ишлар органлари;

адлия органлари;

мудофаа ишлари бўйича органлар.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар ва муассасалар ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этиши мумкин.

**10-модда. Таълимни давлат томонидан
бошқариш органларининг ва
таълим муассасаларининг
ёшларга оид давлат сиёсати
соҳасидаги ваколатлари**

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, худудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

таълим сифатини оширишга, малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

манфаатдор органлар ва муассасалар билан биргаликда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигининг таҳлилини амалга оширади ҳамда унинг натижалари асосида таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқади;

ёшларнинг таълими ва тарбияси сифатини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш чора-тадбирларини кўради;

таълим муассасаларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида спорт секциялари, фан, техника тўғрақлари ва ижодий тўғрақлар, клублар ташкил этади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга доир фаолиятда иштирок этади;

имконияти чекланган ёшларга ижтимоий-психологик ва педагогик ёрдам кўрсатади;

ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Давлат соғлиқни сақлаш
tizimini boshqariш
organlarining va soғliқni
saqlash muassasalarining
ёшларга оид давлат сиёсати
соҳасидаги ваколатлари**

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, худудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тарғиботни ташкил этади;

ёшлар ўртасида тизимли тиббий текширувларни ташкил этади;

имконияти чекланган ёшларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, заҳарвандликка чалинган, руҳий ҳолати бузилган, юқумли касалликларга ва бошқа ижтимоий хавфли касалликларга чалинган ёш фуқароларни аниқлайди, уларни ҳисобга олишни, текширувдан ўтказишни, шунингдек тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ва ижтимоий мослаштиришни амалга оширади;

(Давоми 3-бетда.)

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИЁшларга оид давлат сиёсати
тўғрисида

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Маданият ва спорт ишлари бўйича органларнинг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари

Маданият ва спорт ишлари бўйича органлар:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бўлган интилишни ва спортга қизиқишни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшлар ўртасида халқ ўйинлари, миллий ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказишнинг ташкил этади;

ёшлар ўртасида бадий ижодиётни, халқ ва ҳаваскорлик ижодиётини тарғиб қилишни амалга оширади;

ёшлар ўртасида кино, театр, мусиқа, хореография, тасвирий, цирк, халқ амалий санъатини ва эстрада санъатини ривожлантиришга, уларнинг ғоявий-бадий ва ахлоқий савиясини оширишга қўмаклашади;

ёшлар ўртасидаги оммавий-маданий ва байрам тадбирлари ғоявий мазмун билан тўлдирилишини таъминлайди, ижодий уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликини йўлга қўяди;

ёшлар ўртасида халқаро маданий, спорт алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, конференциялар, кўргазмалар, спорт мусобақаларини ўтказишда иштирок этади;

ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қўмаклашади, уларнинг ўз иқтидори ва истеъдодини тўлақонли намоён қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратди;

халқаро ва республика миқёсидаги ижодий сафарларнинг ташкил этилишини ҳамда маданият ва спорт соҳасида ўтказиладиган кўрикларда, танловларда, фестивалларда, бошқа тадбирларда иқтидорли ва истеъдодли ёшларнинг иштирок этишини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Маданият ва спорт ишлари бўйича органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Меҳнат органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари

Меҳнат органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг бандлиги даражасини тизимли асосда таҳлил қилади, уларнинг бандлигини таъминлашда иштирок этади;

ёшларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш бўйича тизимни ташкил этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Меҳнат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

14-модда. Прокуратура органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари

Прокуратура органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Прокуратура органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

15-модда. Ички ишлар органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари

Ички ишлар органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ички ишлар органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

16-модда. Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари

Адлия органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Адлия органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

17-модда. Мудофаа ишлари бўйича органларнинг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари

Мудофаа ишлари бўйича органлар:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг қақирувга қадар бошланғич тайёргарлигини ташкил этишда иштирок этади; ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир тадбирларда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Мудофаа ишлари бўйича органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

18-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилалардан бўлган ёш фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча моддий ёрдам кўрсатади;

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини оширишга, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

ёшларни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари ва бошқа муассасалар билан ҳамкорлик қилади;

тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ёшларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

19-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этиши

Нодавлат нотижорат ташкилотлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бош-

(Давоми 4-бетда.)

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИЁшларга оид давлат сиёсати
тўғрисида

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-бетларда.)

қа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларда ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларни шакллантиришда, уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган қилиб тарбиялашда иштирок этади;

соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялашга, жамият ҳаётида уларнинг роли ҳамда фаоллигини оширишга доир тадбирларни ташкил этади ва ўтказиши;

ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ҳамда рўёбга чиқаришни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга қўмаклашади;

фан, спорт, санъат ва маданият соҳасида ёшларнинг ижодий истеъдоди ва қобилиятини эрта аниқлашга ҳамда ривожлантиришга қўмаклашади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантиришда, юқумли касалликларга ва бошқа ижтимоий хавфли касалликларга, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, заҳарвандликка, кашандаликка ҳамда ўзга зарарли иллатларга қарши курашишга доир профилактика чора-тадбирларини амалга оширишда, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда, ёшлар спортини оммавий ривожлантиришда иштирок этади;

ёшлар орасида экологик маданиятни оширишга, экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришга қўмаклашади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёшларни ўқитиш билан шуғулланиши мумкин; ёшларни тадбиркорликка жалб этишга, касбга йўналтиришга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга қўмаклашади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Давлат ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этишини кафолатлайди ва таъминлайди.

20-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиши

Оммавий ахборот воситалари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга, шу жумладан соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга, жамият ҳаётида унинг роли ва фаоллигини оширишга, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларни ёритади;

ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига қўмаклашишга доир тадбирларда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурлари ва ҳудудий дастурлар рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар, шунингдек фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш масалалари бўйича ҳамкорлик қилади.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

21-модда. Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан иштиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган, ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришни ҳамда ҳимоя қилишни, шунингдек ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишни ўзининг мақсадлари деб биладиган, ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотдир.

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат моддий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таълим муассасаларининг биноларидан, клублар, маданият ва аҳоли дам олиш марказларидан, спорт иншоотларидан ва бошқа иншоотлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти ўз уставига назарда тутилган, фаолиятини моддий жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган биноларга, иншоотларга, уй-жой фондига, ускуналарга, ашёларга, маданий-маърифий ва соғломлаштириш учун мўлжалланган мол-мулкка, пул маблағларига, қимматли қоғозларга ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

Ўн тўрт ёшга тўлган шахс ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти аъзоси бўлиши мумкин. Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига аъзо бўлиш, аъзоликни йўқотиш шартлари ва тартиби, шу жумладан ёшига кўра унинг аъзолигидан чиқиш шартлари тегишли нодавлат нотижорат ташкилотининг уставига белгиланади.

3-боб. Ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш**22-модда. Ёшлар ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳамда қонунга мувофиқ ҳар бир ёш фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланади.

Ёш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари чекланиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бирор бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди ҳамда бундай чеклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат вояга етмаганларни жазони ижро этиш муассасаларида ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида сақлашда шахснинг ҳуқуқларига ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишига, инсонпарварлик принципларига риоя этилишини кафолатлайди.

Вояга етмаганлар учун улар содир этган ҳуқуқбузарликнинг оғирлик даражаси ва уларнинг ёши ҳисобга олинган ҳолда жазони ижро этиш муассасаларида ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ табақалаштирилган режимда сақлаш назарда тутилади.

23-модда. Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёшлар учун қуйидагилар кафолатланади:

беғул тиббий хизмат кўрсатилиши;

беғул умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими олиш;

давлат таълим муассасаларида давлат грантлари доирасида беғул олий таълим олиш;

давлат спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий муассасаларига бориш учун шарт-шароитлар яратиш;

уй-жой қуриш, олиш ва уни реконструкция қилиш учун имтиёзли кредитлар бериш;

таълим муассасаларида ўқиш учун имтиёзли кредитлар бериш;

етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш;

ўрта махсус, касб-хунар ёки олий таълим муассасасини битирганидан кейин бандликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қўриш;

меҳнат соҳасида ёшга доир ўзига хосликларни инобатга олган ҳолда имтиёзлар бериш ва ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун шарт-шароитлар яратиш;

ижтимоий инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш чоғида ёшларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш;

жамоат транспортидан фойдаланишда имтиёзлар бериш.

Иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган ёш фуқароларни ишга жойлаштиришга ёрдам қўшимча иш ўринлари ва ихтисослаштирилган корхоналарни барпо этиш, ўқитиш бўйича махсус дастурларни ташкил этиш, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотларда иш жойларининг энг кам миқдори захирасини яратиш йўли билан таъминланади.

Кам таъминланган ёш оилаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий ёрдам бериш чоралари кўрилиши мумкин.

Ўқув жараёни вақтида ўқувчилар ва талабаларни жамоатчилик ишларига жалб этишга йўл қўйилмайди, бундан улар томонидан танланган мутахассисликка мос ва ўқув-ишлаб чиқариш амалиётининг шакли бўлган ҳоллар ёхуд ўқувчилар ва талабалар ўқишдан бўш вақтида ихтиёрий меҳнат қилган ҳоллар мустасно. Мазкур меҳнат фаолиятига меҳнат тўғрисидаги ёки фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Қонун ҳужжатларида ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг бошқа кафолатлари ҳам берилиши мумкин.

24-модда. Ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари

Ёш фуқаролар ва ёш оилалар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлат томонидан қуйидагилар воситасида ёшларни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари назарда тутилиши мумкин:

(Давоми 5-бетда.)

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИЁшларга оид давлат сиёсати
тўғрисида

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-, 4-бетларда.)

оилавий ҳаётга оид муаммолар, психологик-педагогик, ҳуқуқий ва бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар бериш тизимини ривожлантириш;

ёшларга ижтимоий хизмат, ижтимоий ёрдам кўрсатувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимини ривожлантириш;

ёшларнинг дам олиши ва уларни соғломлаштиришни ташкил этиш тизимини ривожлантириш.

Қонун ҳужжатларида ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа қўшимча чора-тадбирлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

25-модда. Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мукофотлар, стипендиялар белгилаш, таълим грантлари тақдим этиш;

фан, маданият ва санъат соҳасида ижодий устахоналар ва мактабларни ташкил этишга қўмаклашиш;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида спорт секциялари, фан, техника тўғрисидаги ижодий тўғараклар фаолиятини ташкил этиш;

иқтидорли ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида танловлар, олимпиадалар, кўргазмалар, фестиваллар, кўриклар, концертлар, симпозиумлар, ўқишлар, конференциялар, семинарлар ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

ёшларга оид халқаро тажриба алмашуви; иқтидорли ва истеъдодли ёшларни таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида, шу жумладан хорижий мамлакатларда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва амалиётни ўташ дастурларидан танлов асосида фойдаланишини таъминлаш;

илмий-тадқиқот, маданий-маърифий ишларни ўтказиш учун ёш мутахассислар ва олимларга шарт-шароитлар яратиш, ёш олимларнинг ишланмаларини амалиётга жорий этишга қўмаклашиш, шунингдек ёшларнинг кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш;

спорт-таълим муассасалари, клублари тармоқларини ривожлантириш, иқтидорли ва истеъдодли ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш; иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаётган жисмоний ва юридик шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рағбатлантириш йўли билан амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа чора-тадбирлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

26-модда. Ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Давлат ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини қўллаб-қувватлайди.

Ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш:

давлат органлари томонидан ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда қўмаклашиш;

ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш;

ёшларни тадбиркорлик фаолияти асослари бўйича ўқитиш, таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорликни шартнома асосида ривожлантириш;

ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш

дастурларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан қонун ҳужжатларида мувофиқ тегишли имтиёзлар ва афзалликлар белгиланади.

27-модда. Ёшлар ижтимоий хизмати

Ёшларни ва ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ёшлар ижтимоий хизмати фаолият кўрсатади.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ёш фуқароларга психологик-педагогик, юридик ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш; имконияти чекланган ёш фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

ёш оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш; таълим ва меҳнат жамоаларида ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш;

ёш мутахассисларга янги иш жойига мослашишида, уларни қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни уй-жой билан таъминлашга қўмаклашиш;

вояга етмаганлар учун ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

озодликдан маҳрум этиш жойларидан ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёш фуқароларни ижтимоий мослаштириш;

ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қўмаклашиш;

ҳуқуқий тарғибот, ёшларни ишга жойлашиш, таълим олиш ва касбий тайёргарлик борасида, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, туризм ва спорт соҳасидаги имкониятлар тўғрисида хабардор этиш;

ёшларнинг яшаш жойларида бўш вақтларини мазмунли ўтказишини ташкил этиш.

Ёшлар ижтимоий хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа йўналишлар бўйича ҳам амалга ошириши мумкин.

4-боб. Яқунловчи қоидалар**28-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатини молиявий жиҳатдан таъминлаш**

Ёшларга оид давлат сиёсатини молиявий жиҳатдан таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, ҳомийларнинг маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

29-модда. Низоларни ҳал этиш

Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

30-модда. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

31-модда. Айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекис-

тон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги 429-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 80-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қучга киритиш тартиби ҳақида»ги 430-XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 81-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 621-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда) I бўлимининг 3-банди;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 621-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 90-модда) III бўлими;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 714-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда) I бўлимининг 8-банди;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ўРҚ-197-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) 3-моддаси.

32-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

33-модда. Ушбу Қонуннинг қучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини
бажарувчи**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 14 сентябрь
№ ўРҚ-406

(«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 15 сентябрь сонидан олинди.)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ
ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1-Қорақалпоғистон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 23-уй.
Сайловчилар сони — 1188763 киши.

Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

2-Андижон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Андижон вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳқўчаси, 32-уй.
Сайловчилар сони — 1984247 киши.

Андижон вилояти чегараси доирасида.

3-Бухоро сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Бухоро вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳқўчаси, 3-уй.
Сайловчилар сони — 1265163 киши.

Бухоро вилояти чегараси доирасида.

4-Жиззах сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Республика Маънавият тарғибот маркази Жиззах вилояти бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳқўчаси, 70-уй.
Сайловчилар сони — 844309 киши.

Жиззах вилояти чегараси доирасида.

5-Навоий сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — "Фарҳод" маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси, 58-уй.

Сайловчилар сони — 641380 киши.

Навоий вилояти чегараси доирасида.

6-Наманган сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй.
Сайловчилар сони — 1771067 киши.

Наманган вилояти чегараси доирасида.

7-Самарқанд сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 237-уй.

Сайловчилар сони — 2373738 киши.

Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

8-Сирдарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Сирдарё вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 66-уй.

Сайловчилар сони — 529810 киши.

Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

9-Сурхондарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 12-«В» уй.

Сайловчилар сони — 1581214 киши.

Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

10-Тошкент вилояти сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Тошкент вилояти молия бошқармаси биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 17-уй.

Сайловчилар сони — 1943289 киши.

Тошкент вилояти чегараси доирасида.

11-Фарғона сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши биноси, Фарғона шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 27-уй.

Сайловчилар сони — 2417891 киши.

Фарғона вилояти чегараси доирасида.

12-Хоразм сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — "Барқамол авлод" болалар маркази биноси, Урганч шаҳри, Фафур Фулом кўчаси, 1-уй.

Сайловчилар сони — 1167263 киши.

Хоразм вилояти чегараси доирасида.

13-Қашқадарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — "Ўзгеобургуғнефгаз" акциядорлик компанияси биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй.

Сайловчилар сони — 1984042 киши.

Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

14-Тошкент шаҳар сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурий бинолардан фойдаланиш департаменти биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 14-уй.

Сайловчилар сони — 1742833 киши.

Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов
комиссияси Раиси

М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 15 сентябрь

Ўзбекистон Президентлигига номзодлар кўрсатилди

2016 йил 16 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Пленумда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг иштироки, Президентликка партиядан номзод кўрсатиш ҳамда партиянинг навбатдаги Съездини чақиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг уставиди партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиши белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда Пленумда партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг номзод кўрсатиш тақлифи кўриб чиқилди. Йиғилиш иштирокчилари

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Сарвар Саъдуллаевич Отамуратов номзодини қўллаб-қувватлади.

Сайлов қонунчилигига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига партия томонидан номзод кўрсатиш партиянинг олий органи — Съезди томонидан амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб, Пленумда жорий йил 15 октябрь куни партиянинг навбатдаги V Съездини чақириш ва бу масалани Съезд муҳокамасига қўйишга келишиб олинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга асосан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишига ижозат олиш учун партия томонидан тегишли ҳужжатлар Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Шу йил 16 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёс Кенгашининг Пленуми бўлиб ўтди.

Йиғилиш аввалида мажлис иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасини ёд этиб, ҳурмат бажо келтирди.

Мажлисда 2016 йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ЎзЛиДеПнинг иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу жараёнда партиянинг фаол иштирок этиши алоҳида таъкидланди.

Мажлис иштирокчилари мазкур сайловда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг номзоди ҳақидаги масалани ҳам атрофлича муҳокама қилдилар. Жойлардаги сайловчилар ва электорат хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, партиянинг навбатдаги VIII Съездида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ЎзЛиДеП Сийёс Кенгаши аъзоси Шавкат Миромонович Мир-

зиёев номзодини кўрсатиш тақлифи яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 24²-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сийёсий партияларнинг юқори органлари томонидан амалга оширилишини инобатга олиб, мажлис қатнашчилари томонидан партиянинг навбатдаги Съездини 2016 йил 14 октябрда ўтказишга келишиб олинди.

ЎзЛиДеП Сийёс Кенгаши, шунингдек, мамлакатимиз сайлов қонунчилигига белгиланган муддатларда Марказий сайлов комиссиясига партиянинг сайловлардаги иштироки билан боғлиқ ҳужжатларни ўз вақтида тақдим қилиш, жойларда ушбу муҳим тадбирга тайёргарлик борадида партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари конференцияларини ўтказиш ва бошқа зарур чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тегишли қарор қабул қилди.

2016-yil 17-sentabr, № 75 (8932)

Хар бир дарси янгиликка йўғрилган

Жамолiddин Нурмухаммадов бугунги дарс мавзусига оид материаллар тўпламига мурожат қилди. Мавзуга таллуқли слайдлар, аудио овозли постановка, видеофильм, асарнинг ифодали ўқилган тўлиқ варианты ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди.

Орқа партада ўтирган Мирзизов савол берди: «Алишер Навоий бу шоҳ асарининг бугунги кундаги аҳамияти қандай?».

— Асар ўзининг инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, халқлар ўртасидаги дўстликни улуглаш, соф ва самимий муҳаббатни ардоқлаш каби долзарб ғоялари тўғрисида ҳар доим муҳим аҳамият касб этади, — дейди ўқитувчи. — Бу асарни мукамал ўқиб чиқиш, ундаги юксак ғоявийлик ва бекиёс бадииятдан баҳраманд бўлиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Доскада «Фарҳод ва Ширин» фильмининг парча намойиш этилади. Ундаги қизилар қарли сюжетлар ўқувчилар ҳайратини янада оширади. Синфда жимлик ҳукмрон. Дарс янада қизиларни тус олади. Энди дарснинг назарий қисмига навбат.

...Она тили ва адабиёт ўқитувчиси Жамолiddин Нурмухаммадов замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш дарсни жонли ва мароқли қилишга ишонади.

— Биз ҳозир ахборот воситалари ривожланган, глобаллашув даврида яшаймиз. Ҳар кун янгилиги ихтиролар-

дан хабардор бўлиб турмасангиз, ўқувчи сиздан олдин маълумотлар топиб, илдамлаб кетади, — дейди Ж.Нурмухаммадов. — Бу жараёнда ўқитувчидан ўта зийраклик, интилиш ва ташаббускорлик талаб этилади. Ҳар дарсга бир янгилик билан киришга ҳаракат қиламан. Бунга ўқувчиларим ҳам ўрганиб қолишган. Машгулотларимда «тармоқлаш», «занжир», «давра суҳбати», «билиб олдим, билишни хоҳлайман» каби интерфаол усуллардан унумли фойдаланаман. Ўқувчилар бир-бирини тинглай олиш, берилган вазифани мустақил баён қилиш, гуруҳдошларини баҳолай олишни ўрганади. Ўтилган мавзу юзасидан ўқувчиларга дарсликдан ташқари топишриқ бериш уларни ўз устида ишлашга ундайди.

Ташаббускорлик, янгиликка интилиш, ижод ва изланиш ҳаётининг мазмунига айлантирган ёш педагог Ж.Нурмухаммадов Қашқадарё вилоятининг Яқабоб туманида туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетини тахсил олиб, 2009 йилдан буён Халқ таъ-

лими вазирлиги тасарруфидига Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейида она тили ва адабиёт фанларидан сабоқ беради.

Жорий йилда у «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2016» кўрик-танловининг республика босқичида она тили ва адабиёт йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллади. Ўз касбини севувчи, тиниб-тинчимас бу педагогнинг халқ таълими тизимидаги муваффақиятлари талайгина. Ўтган йили «Энг яхши маҳорат дари» кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган.

Жамолiddин илмий тадқиқотлар олиб бораётган маҳоратли услубиётчи ҳамдир. У «Адабиёт фанидан хроник композиция», «Адибларнинг асарлари», «Истеъдод жилғалари», «Адабиёт фанидан амалий машгулотлар», «Адабиёт дарслари учун барча мавзуларнинг тақдироти» каби методик қўлланмаларини чоп эттирган.

Ж.Нурмухаммадов ўқувчиларининг ютуқларидан қувонади. Шогирди Ойхон Эркинжонов Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибдори бўлса, Гулибону Амирова, Ориф Олимжонов, Камола Ахадова, Хурсаной Каримова, Эъзоза Холбоева каби иқтидорли ўқувчилари она тили ва адабиёт фанлари бўйича



республика фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, дунё иморатлари ичида энг улғи мактаб бўлса, касблар ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир. Қалби меҳр уммонига, эзгулик нурига лиммо-лим муаллимларнинг шарафли меҳнати тўғрисида энг авлод илм-маърифатга ошно бўлиб улғаймоқда, келажакнинг ишончли ворисларига айланаётди.

Жамолiddин Нурмухаммадов ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун турли кўргазмаларни ўйинлар, танловлар ўтказиб, уларни

ижод қилишга, янгиликларни излаб топишга ундайди.

— Ҳозирги замонавий дарсларда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг вазифалари ўзгарган, — дейди Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи директори Зулфигор Холмиров. — Ўқитувчи дарсда етакчи, йўналтирувчи, кўмак берувчи, бошқарувчи вазифасини бажарса, ўқувчи дарснинг фаол иштирокчисига айланиб, мустақил ишлайди, фикрлайди, ижод қилади, баҳс-мунозарада ўз фикр-мулоҳазаларини эркин ҳимоя қилади. Ёш педагог Жамолiddин машгулотларда интерфаол усуллардан самарали фойдаланади, ўзига ва ўзгаларга талабчан.

Азима ҚИЁСОВА,
ЎЗА мухбири

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш илғор хорижий тажрибани ўрганиш асносида такомиллашмоқда

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш мазмунини ҳамда илғор хорижий тажрибани» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари И.Махмудов ва бошқалар сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида кенг қўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилганини таъкидлашди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўқув жараёнини ташкил этишдаги замонавий услублар, ишлаб чиқариш, илм-фан ва дунё таълим тизими тараққиётидаги энг сўнгги ютуқлар чуқур ўрганилгани, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда чет эллик мутахассислар ҳамкорлигида олий ўқув юр்தларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услублар тубдан янгилангани алоҳида қайд этилди. Айни пайтда қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини илғор хорижий тажрибалар асосида модернизациялаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош илмий-методик марказ ҳамда таянч олий таълим муассасалари ҳузуридаги тармоқ марказлари томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича таянч олий таълим муассасалари ҳузуридаги тармоқ марказлари-

га Жанубий Корея, Италия, Австрия, Япония, АҚШ, Испания ва Франция каби давлатлардан 15 нафар хорижий мутахассис жалб этилган. Жорий йилда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг педагоглари салоҳиятини янада ошириш мақсадида соҳанинг хорижий университетларда тахсил олмаган, стажировка ўтаб, малака оширган тажрибали мутахассис ва амалиётчилардан иборат 827 номзод базаси шакллантирилди. Улар учун ташкил этилган тренинглар якунида 402 нафар профессор-ўқитувчи саралаб олинди.

Шу йилнинг октябрь-ноябрь ойларида бакалаврият таълим йўналишининг 1-курсда мутахассислик фанларидан дарс берадиган 1577 нафар педагог кадрни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режалаштирилган.

— Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув-методик ва методик таъминоти такомиллаштириш мақсадида Лондон Метрополитан университети (Буюк Британия), Пелопоннес университети (Греция), Резекне технология академияси (Латвия), Британия кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда, — дейди Бош илмий-методик марказнинг илғор тажриба ва халқаро ҳамкорлик илмий-ахборот тадқиқотлари бўлими бошлиғи Мансур Берматов. — Лойиҳалар таълим жараёнига замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини фаол татбиқ этишга хизмат қилади.

Конференция сўнггида мутасадди ташкилот вакиллари ва хорижий мутахассислар анжуман қатнашчиларининг саволларига атрофлича жавоб беришди.

Комила ЭГАМБЕРДИЕВА,
Зухра ЯРАШЕВА

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан 16 сентябрь — Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш кўни муносабати билан матбуот анжумани ташкил этилди.

БМТ Тараққиёт дастури, Глобал экологик жамғарма ва бошқа ҳамкор ташкилотлар кўмағида амалга оширилган лойиҳалар ҳамда озон қатламининг атроф-муҳит ва инсон саломатлигидаги аҳамиятини, унга салбий таъсир этаётган омилларни камайтириш борасида олиб борилган ишларни жамоатчиликка етказиш мақсадида ташкил этилган анжуманда қатор вазирлик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон 1993 йилда Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро Вена конвенцияси ва Монреал протоколига қўшилган. Ўтган йилларда мазкур халқаро

Озон қатламини ҳамжихатликда ҳимоя қилинади

хужжатларда белгиланган мажбуриятларни бажариш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, озон қатламини емирувчи моддалардан фойдаланишни қисқартириш бўйича махсус чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Республикаимизнинг Андижон, Фарғона, Навоий, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида Озон қатламини емирувчи моддаларни қайта ишлаш марказлари ташкил этилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бутун инсониятни ушбу эзгу мақсад йўлида ҳамкорлик ва ҳамжихатликни янада кучайтиришга қарай, 16 сентябрь — Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш кўни «Озон ва иқлим дунё ҳамжихатлигида тикланмоқда» шиори остида нишонлашни тақлиф этди.

Матбуот анжуманида мамлакатимизда атроф-муҳитни, хусусан, озон қатламини муҳофазалаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар, ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар, истиқболдаги вазифалар хусусида маърузалар тингланди.

Дилмурод ДЎСТБЕКОВ,
«Ma'rifat» мухбири



Jarayon

Мустақиллик йилларида кўлаб аҳоли тураржой иншоотлари, таълим муассасалари, йўллар ва кўприklar барпо этилди. Айниқса, юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган таълим муассасаларининг қурилиши шахару қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириши билан бирга, ёшларимизнинг иқтисодори ва салохиятини юзага чиқаришда муҳим омили бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилган бундай улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари келажак авлод учун ўзига хос тўхфа бўлди.

Ҳар йили Инвестиция дастури асосида турли бино ва иншоотлар янгидан қурилади, реконструкция қилинади, мукаммал таъмирдан чиқарилади. Бу каби иморатлар орасида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юр்தларининг ўқув бинолари, талабалар тураржойлари, устакхоналар ва спорт залларининг ҳам борлиги мамлакатимизда таълим-тарбияга қаратилаётган эътиборнинг нақадар юксак эканидан далолат беради. Жумладан, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ҳам жорий йилда Инвестиция дастури бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

— 2016 йилги Инвестиция дастурига асосан 122 та академик лицей ва касб-хунар коллежида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш кўзда тутилган, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бошқармаси бош мутахассиси Шавкат Мирзамухаммедов. — Шунга мувофиқ 41 та объект реконструкция қилинди. Жумладан, 15 та ўқув устакхонаси, 4 та ўқувчилар тураржойи, 2 та спортзал ҳамда 13 та қўшимча бино қурилди ва реконструкция қилинди. Шу билан бирга 81 та академик лицей ва касб-хунар коллежи мукаммал таъмирланди. Мазкур ишларга 145,05 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Ушбу объектлар ўқув йили аввалида фойдаланишга топширилди.

Тошкент шаҳрида бу йил 10 та касб-хунар коллежи ва 3 та академик лицей дастурга киририлган бўлиб, тўққизта таълим муассасасида мукаммал таъмирлаш, тўрттадан эса реконструкция ишлари олиб борилди. Амалга оширилган ишларга 17,4 миллиард сўм сарфланди.

— Жорий йилги Инвестиция дастури асосида таълим муассасамизнинг биринчи ўқув биноси ҳамда ошхона, спортзал, фаоллар зали, фойе, шунингдек, бионинг ташқи фасади мукаммал таъмирланди, — дейди Яшнобод темир йўл касб-хунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Жаҳонгир Ҳўжабоев.

Касб-хунар коллежига яқинлашаркансиз, ўқув биноси узоқдан товланаётган

биллурдай кўзга ташланади. Фасада берилган ранглар, деворларга ишланган нақшинкор безаклар ва кўркам яшил майдончалар кишига кўтаринкилик бағишлайди. Муассасадаги барча эшиklar замонавий-сига алмаштирилиб, деразаларга эса «Akfa» ромла-

шундай имконият ва шарт-шароитларни яратиб беришга бош-қош бўлган Биринчи Президентимиздан мингдан-минг рози бўлди. Бу ишларнинг қадрига етиш, юқори марраларни кўзлаб, ilm олиш ва касб-хунар сирларини эгаллаш учун болаларимиз чин дилдан ҳаракат қилишлари лозим.

Янги ўқув йилини Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи ўқувчилари тубдан реконструкция қилинган ва замонавий жиҳозланган янги бинода бошлади.

— Коллежимиз 800 ўринга мўлжалланган, — дейди касб-хунар коллежи директори Исроил Ботиров. —

ёни кечиши тўғрисида асбоб-ускуна ва дастгоҳларнинг шовқини юзага келади. Бу бошқа аудиториялардаги назарий дарслар сифати ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатарди. Жорий йилги манзилли дастур асосида олтинчи ўринга мўлжалланган 4 хона ва 2 та омборхонадан иборат ўқув амалиёти устакхонаси қурилди. Шу билан бирга, ҳар бир устакхонага ёзув тахталари, стол-стуллар, шкафлар, асбоб-ускуна ва дастгоҳлар келтирилиб ўрнатилди. Бундан коллежимиз жамоаси ҳам, ўқувчилар ҳам жуда хурсанд.

Мамлакатимизда умумтаълим мактабининг 9-син-

Келажакка йўналтирилган сармоя

**ёшларга билдирилган юксак ишончининг
амалий ифодасидир**



ри ўрнатилди. Биноларнинг том қисми профнастиль билан тўлиқ ёпилди. Илгари қиш мавсуми бошланиши билан коллежининг иситиш тизимлари ишдан чиқиб, бир талай муаммони юзага келтирарди. Таъмирлаш жараёнида барча темир қувурлар елим қувурларга алмаштирилди. Эндиликда хоналарни ёритишда тежамкор чироқлардан фойдаланилади. Бир сўз билан айтганда, бу ерда амалга оширилган ишлар таълим олиш, касб-хунар ўрганишнинг мақсад қилган ўқувчиларни янги марралар сари руҳлантира олади. Кечаги ўқув хонаси билан бутунгисини солиштирган ҳар қандай йигит-қиз давлатимиз томонидан яратилаётган бундай шарт-шароитлардан тўғри хулоса чиқариши табиий.

— Мукаммал таъмирдан чиққан касб-хунар коллежини очилиш маросимида ота-оналар номидан иштирок этдим, — дейди касб-хунар коллежининг ота-оналар кенгаши раиси Д.Шамсиддинова. — Қилинган ишларни бир-бир кўздан кечирдик. Фарзандларимиз нақадар бахтли замонда унинг-ўсиб, таълим-тарбия олаётганидан, касб-хунар ўрганаётганидан бир она сифатида жуда ҳам фخرландим. Болаларимиз учун

Янги ўқув йилини қайта реконструкция қилинган янги бинода бошлади. Қурувчилар барча ишларни белгиланган муддатда тез ва сифатли амалга оширди. Бунинг учун 849 миллион сўм маблағ сарфланди. Иситиш қозони янгиланди. Ўқувчиларнинг ўзалари танлаган касб сирларини янада пухта ўрганиши учун барча қулайликлар яратилди.

Андижон вилоятида ҳам бу йилги манзилли дастур бўйича 9 (7 касб-хунар коллежи, 2 академик лицей) ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан жойларда тузилган жамоатчилик назорати гуруҳларининг қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини мунтазам кузатиб боргани ишнинг сифатли ҳамда муддатидан олдин бажарилишига замин яратди.

— Коллежимиз 2000 йилда қурилган, — дейди Қўрғонтепа қурилиш касб-хунар коллежи директори Рустамжон Эгамбердиев. — Амалий машғулотларда устакхона сифатида ўқув биносидagi хоналардан фойдаланиб келинарди. Устакхонада амалиёт жара-

фини тамомлаган ўқувчилар ўз оиласидан узилмаган ҳолда таълим олиш ва касбий тайёргарликка эга бўлиши учун барча шароитларни яратишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Шунинг баробарида жойлардаги мавжуд эҳтиёжга қараб нафақат касб-хунар коллежлари, балки уларнинг филиаллари ҳам ташкил этилмоқда. Сўнгги йилларда асосан 30 дан ортқ филиаллар янгидан барпо этилиб, ўқувчиларни ўз бағрига олди. Жорий йилда ҳам Инвестиция дастурига асосан Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида жами 7 та касб-хунар коллежи филиаллари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ургут тумани Мўминобод қишлоғи мактаб битирувчиларининг аксарияти таълимнинг кейинги босқичини Ургут агросаноат ва сервис касб-хунар коллежидида давом эттиришади. Коллеж директори Учқун Холмўминовнинг таъкидлашича, қишлоқдан коллежгача бўлган масофа 15 километр. Аксига олиб транспорт қатновининг етишмаслиги ўқувчиларнинг таълим муассасасига келиши ва у ердан уйга қайтишида катта қийинчилик туғдиради. Шу-

нинг учун тўрт йилдан буён коллеж ўқувчилари қишлоқдаги 53-мактаб биносининг бўш қисмида ўқиб келишадди. Мазкур муаммо бу йилги Инвестиция дастури асосида ижобий ечимини топди. Қишлоқ ёшлари учун ўқув биноси, устакхоналар ва спорт залдан иборат 180 ўринли Ургут агросаноат ва сервис касб-хунар коллежининг Мўминобод филиали янгидан барпо этилиб, барча зарурий мебель жиҳозлари, асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ҳамда спорт инвентарлари билан таъминланди. Айниқса, мўминободлик ота-оналар бундан жуда хурсанд. Боиси, янги коллеж филиали оналарнинг хавотирини анча аритди. Амалиёт машғулоти учун узоқдаги коллежа бораётган фарзандлари эндиликда кўз олдида билим олиб, ўзалари танлаган касб-хунар сирларини замонавий дастгоҳларда ўрганишади.

Республикаимиздаги бу каби кўркам замонавий ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Жумладан, информатика хоналари учун 82 тўплам ва ахборот-ресурс марказлари учун 87 тўплам компьютер техникалари, 21 номдаги 1123 тўплам ўқув-ишлаб чиқариш устакхоналари учун ускуна ва дастгоҳлар таълим муассасаларига тўлиқ етказиб берилди.

— Жорий йилнинг 5—8 апрель кунлари ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси орқали 9,877 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бошқармаси бошлиғи Азамат Эргашев. — Жумладан, шартномада 186 тўплам спорт инвентарлари, 46 тўплам йўл ҳаракати қоидаси ва 54 тўплам автомобиль тузилиши хоналари жиҳозлари, 344 тўплам умумтаълим фан хоналари ва 48 тўплам ўқув-лаборатория хоналари, 661 тўплам чет тили хоналари учун мебель жиҳозларини харид қилиш кўзда тутилган.

Албатта, кенг миқёсда олиб борилаётган бу каби ишлар ёшларнинг ўзалари танлаган касб-хунар сирларини пухта эгаллаши, пировардида мамлакат тараққиётига ҳисса қўшадиган салохиятли кадрлар бўлиб етишишига хизмат қилади.

**Аббор УМАРҚУЛОВ,
"Ma'rifat" муҳбири**

Суратларда: Яшнобод темир йўл касб-хунар коллежи фаолиятдан лавжалар.

**Б.РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.**

2016-yil 17-sentabr, № 75 (8932)

Мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш жараёнига масбул бўлган "Баркамол авлод" болалар марказларида янги ўқув йили бошланди. Халқ таълими вазирлиги томонидан мактабдан ташқари таълим тизимини янада ривожлантириш мақсадида жорий йил 1 августда қабул қилинган 194-сонли буйруққа биноан, барча туман, шаҳар, вилоят республика "Баркамол авлод" болалар марказлари ўқув йилини такомиллаштирилган ўқув дастурлари асосида бошлашди. Бадий ижодиёт, техник ижодкорлик, ўлкашунослик ва экология йўналишида мактабдан ташқари таълим жараёнини олиб борадиган республикадаги мавжуд 211та "Баркамол авлод" болалар марказида шу муносабат билан 15-16 сентябрь кунлари педагог-мураббийлар, ота-оналар, маҳалла фаоллари иштирокида "Очиқ эшиклар кuni" тадбирлари ўтказилди.

Мактабдан ташқари таълим: такомиллаштириш, янгилаш жараёни давом этмоқда

5та янги тўғарак очилади

"Баркамол авлод" республика болалар бадий ижодиёт маркази биносига кириб келаётган ота-она, буви-бувалар, ўқувчи-ёшларнинг диққат-эътибори ушбу маскан ҳаётини акс эттирувчи видеороликка қаратилди. Замонавий меъмор ва ўқув жиҳозлари билан таъминланган шинам, ёруғ машғулот хоналари, ўқувчилар эришаётган муваффақиятлар, ижод намуналари ўрин олган кўргазма. Илк бор муассасага фарзандини етаклаб келган ота-она видеоматериал билан танишиш асосида сира иккиланмай, шу ерни танлайди.

— "Очиқ эшиклар кuni"ни ўтказишга алоҳида тайёргарлик қўрдиқ. Аввалги ўқув йилларида муассасамизга қатнаб, турли тўғаракларда шугулланган болалар қаторига янги аъзолар қўшилиётганидан хурсандимиз,— дейди марказ директори Дониёр Эрматов. — Аввало, 20 номдаги 40та тўғарак машғулотида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номини ёд этишга бағишланган "Хотира дарслари"нинг ташкил қилиниши катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама соғлом ривожланиши учун давлатимиз раҳбари томонидан катта имкониятлар яратилгани, бу шароитлардан унумли фойдаланаётган ёшлар ҳаётиятдан муносиб ўрин эгаллаётгани алоҳида қайд этилди.

Юртнобимиз ташаббуси ва раҳнамолигида қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшлар камолотида муҳим дастуриламал бўлмоқда. Айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муҳим бўғини — мактабдан ташқари таълим тизими истиқлол йилларида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди.

Бадий ижодиётга мойиллиги бўлган бола ўз

ланади. Ўғил-қизи келажиги ҳақида қайғурувчи, уни турли таҳдидлардан асрашнинг ният қилган ота-она борки, марказ педагог-мураббийлари билан доимий алоқада бўлиб туради. Юнусобод тумани Хиббонтепа маҳалласида яшайдиган онахонлардан бири Мапура Ашрафхўжаева 4 нафар неварасини ана шу даргоҳга бошлаб келиб, кам бўлмаганини мамнуният билан таъкидлайди:

— Невараларим — Тошкент Фармацевтика институти талабаси Робия, Респуб-



"Очиқ эшиклар кuni"

ларда "Хотира дарслари" ташкил қилинди. Шундан сўнг "Хирмонтепа", "Кичик Хирмонтепа", "Тинчлик", "Мевазор", "Шухрат" каби маҳаллаларнинг ўғил-қизлари ўз қизиқиш ва хоҳишларига қараб, турли тўғарак машғулотларини давом эттирдилар.

Ушбу муассасада ҳам 2016-2017 ўқув йилига пухта ҳозирлик қўрилди. "Баркамол авлод" болалар марказларида ташкил этиладиган

лар кuni" ўша ҳамкорликни янада мустаҳкамловчи тадбирлардан биридир. Ўтган 2015-2016 ўқув йилида 100дан зиёд ўқувчимиз турли тўғаракларда шугулланган бўлса, 2016-2017 ўқув йилида уларнинг қамрови янада кенгайди. Давр талабига мувофиқ, мактабдан ташқари таълим тизимига электрон ўқув манбаларининг жорий қилинишини қўлаб-қувватлаймиз. Чунки бола мактаб ўқув дастурида ўзлаштирилганларини бу ерда касбий йўналишда мустаҳкамласа, келажакда замонвий технологиялар билан бемалол ишлай олади.

25та мактаб — доимий ҳамкор

"Баркамол авлод" республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази янги ўқув йилида қуйидаги 4 йўналишда фаолиятини давом эттиради: тарбиёт ишларини кучайтириш ва ўқувчилар қамровини ошириш, услубий хизматни ривожлантириш ва таълим сифатини яхшилаш; маънавий-маърифий ишлар самарадорлигига эришиш; кадрлар салоҳиятини ошириш ва уларни рағбатлантириш. "Очиқ эшиклар кuni" тадбири иштирокчилари муассаса ҳовлиси, ўқув хоналарининг батареяси, саранжом-саришталигини кўриб, фарзандларининг порлоқ истиқболи учун яратилган шарт-шароитлардан мамнун бўлдилар.

Янги ўқув йилидан бошлаб "Экожурналист", "Флористика", "Шоколадли композиция", "Ошибана" (гербарийлардан композиция яратиш) ва "Квиллинг" тўғаракларининг очилиши мураббийлар, ота-оналарга хушхабар бўлди. Марказ ҳудудида кичик дендробог очилиб, унда биологик хилма-хилликни акс эттирувчи экспозиция ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

— Ўзбекистон флора ва фаунасига мансуб, йўқолиб кетиш арафасида турган турлар стенидин ташкил қилдик, — дейди марказ директори Лола Эшмурзаева. — Услубий хизмат кўрсатишни яхшилашга эътибор қаратилади. Шу боис, "Педагогик маҳорат", "Энг яхши "Баркамол авлод" болалар маркази" кўрик-танловлари низоми ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, педагог-мураббийлар учун "Педагогик портфолио" методик тавсиясини ишлаб чиқиб, амалиётда фойдаланиш учун барча марказларга тарқатмоқдамиз. Тошкент шаҳридаги 25та умумтаълим мактаби педагогик жамоаси билан биргаликда Аҳмад Дониш, Ойбек номидаги, "Ўзбекистон мустақиллиги", "Бободехон", "Дўстлик" маҳаллаларида ижодий ишлар кўргазмаси ва маҳорат дарсларини ўтказиш ўқув йили чора-тадбирлар режасига киритилган.

(Давоми 16-бетда.)



қалб олами, мураббий эътибори ва яратилган шарт-шароитдан фойдаланиб, сиз ва бизни ҳайратга солувчи мо'жизалар яратиши мумкин. Ана шу мақсадда бадий ижодиёт йўналишида аввал 19 номдаги тўғарак ташкил этилган бўлса, 2016-2017 ўқув йилидан бошлаб, янги "Витраж", "Драма", "Эстрада вокал", "Рақс", "Доира" тўғараклари фаолиятини йўлга қўймоқчимиз. Ушбу тўғараклар учун ўқув-кўргазма воситалари ишлаб чиқилди. Умумтаълим мактаблари қошида фаолият олиб боровчи бадий ижодиёт йўналишидаги тўғараклар учун ўқув режаларининг ишлаб чиқилгани яна бир янгилиқдир. Ушбу ўқув режаларининг электрон шакли билан марказимизнинг www.bam.uz сайтида танишиш мумкин. Амалдаги меъёрий ҳужжатларни соддалаштириш ва бу борада ягона тизимни яратиш мақсадида тўғарак раҳбарлари учун 5та ҳужжатнинг юритилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди. Тўғарак машғулотида журнали, ўқув дастури, ўқув қўлланмиси, тўғарак фаолияти мониторинги ва машғулот таҳлиллари жилди шулар жумласидандир.

Худуддаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи оилалар учун ушбу марказ иккинчи таълим даргоҳи ҳисоб-

лика рассомлик коллежи ўқувчиси Моҳира тўқиш ва тасвирий санъат тўғаракларида шугулланган, уларда катта ўзгариш сездик. Қиз болани мустақил ҳаётга, оилага тайёрлашда касбга йўналтирилган тўғаракнинг роли катта. Эгизак невараларим Муслима ва Марямхоннинг рақс санъатига мойиллигини сезиб, 6 ёшидан ана шу йўналишдаги тўғаракка қўйдик. Бу йил улар 70-умумтаълим мактабининг 4-синфида ўқишарди. Дарслари тушдан кейин бўлгани боис, ҳафтасига икки кун невараларимни шу ерга олиб келаман. "Қизларжон", "Анджон полкиси", "Жаку" каби ўзбек миллий рақсларини ижро этган невараларимнинг ҳиндча, корейсча, испанча ўйинга тушганини кўрсам, завқланиб кетаман. "Рақс" тўғараги раҳбари Мунисахон Курбоновадан жуда мамнунмиз.

Тўғарак раҳбарлари учун электрон ўқув дастур ва қўлланмасы

"Баркамол авлод" республика болалар техник ижодкорлик марказида ташкил қилинган "Очиқ эшиклар кuni" педагог-мураббийлар, ота-оналар ва мактаб ўқувчилари учун ёзги таътилдан кейинги дийдорлашувчи айланди. Барча тўғарак-

15 номдаги тўғарак учун такомиллаштирилган ўқув дастурлари жойларга етказилди. Ота-оналар, педагоглар таклифига биноан, марказда янги "Фотодизайн", "Ёш архитектор" тўғаракларини очиб мўлжалланмоқда. Марказнинг ахборот-коммуникация технологиялари шўбаси етакчи мутахассиси Дилобар Мусахонова ташаббуси билан "Компьютер сабоқлари" ва "Ёш дастурчи" тўғараклари раҳбарлари учун электрон ўқув дастури ва қўлланмаларининг яратилиши янги ўқув йилидаги хайрли ишлардан бўлди. Худди шундай мультимедия воситалари "Авиамодель" тўғараги раҳбарлари учун ҳам яратилмоқда. Электрон дастур ва қўлланма тўғарак раҳбари учун тайёр материал бўлиб, анимация воситасида бола назарий билимларни осон ўзлаштиради. Марказ педагогик жамоаси билан доимий алоқа ўрнатган умумтаълим мактаблари раҳбарлари ўқув жараёнини бойитиш ва тўлдиришга хизмат қиладиган бундай электрон дастурларга эҳтиёж катта эканлигини таъкидлашди. Жумладан, Чилонзор туманидаги 200-умумтаълим мактаби директори Рамида Жавҳарова шундай дейди:

— Марказ билан мунтазам алоқа ўрнатганмиз. Бугун бўлиб ўтаётган "Очиқ эшик-

“Энг “Ma'rifat” парвар муштарий” танлови ғолиблари билан танишинг

Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда “Ma'rifat” газетаси ўқувчилари ўртасида эълон қилинган “Энг “Ma'rifat” парвар муштарий” танлови давом этмоқда.

Ўтган вақт давомида газетамизда танловнинг махсус ёрлиғи остида чоп этилган долзарб материалларга муштарийларнинг фикр-мулоҳазалари битилган кўлаб мактублар олди. Уларнинг аксариятида педагог-муаллифлар таклиф этилган методлардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг фанга қизиқишини ошириш бўйича муайян натижага эришганини маълум қилган. Аънавага кўра, ушбу мактубларнинг энг саралари газета-

мизнинг “Gazeta va gazeton” руқнида чоп этилди.

Куйида танлов ғолиблари билан танишинг:

Июнь ойида:

1. **Гулсара Аҳмедова**, Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 1-ИДУМИ ўқитувчиси, “Китоб — мўъжиза” мақоласи (2016 йил 18 июнь, 49-сон) учун.

Июль ойида:

1. **Назира Беккулова**, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон агросаноат касб-хунара коллежи ўқитувчиси, “Ноода-тий семинар-тренинг отаоналарни фаоллаштирди” мақоласи (2016 йил 6 июль, 54-сон) учун.

2. **Дилбар Сафарова**, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 81-мактаб директори, “Китоб — башарият хотирасидир” мақоласи (2016 йил 6 июль, 54-сон) учун.

3. **Ҳикоятхон Ҳошимова**, Фарғона вилояти Кува тумани ХТМФМТТЭБ эстетика фанлари услубчиси, “Меҳнат эҳтиёждан бошланади” мақоласи (2016 йил 6 июль, 54-сон) учун.

4. **Баҳодир Сотимов**, Наманган вилояти Чуст тумани ХТМФМТТЭБ мудири, **Салим Азимов**, аниқ фанлар услубчиси, “Оқич иш ўрганиш майдони тажриба ва ташаббусларни амалиётга татбиқ этиш орқали юзага

келади” мақоласи (2016 йил 27 июль, 60-сон) учун.

Август ойида:

1. **Моҳидил Ҳушвақтова**, Андижон вилояти Избоскан туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси, “Таниш муҳит ўқувчи-

га эркинлик беради” мақоласи (2016 йил 10 август, 64-сон) учун.

2. **Клара Исманова**, Наманган муҳандислик-педагогика институти “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди, “Мафқуравий иммунитет қандай шаклланди?” мақоласи (2016 йил 20 август, 67-сон) учун.

Маълумингизким, танлов ғолиблари “Ma'rifat” газетасида 2017 йил учун тахририят ҳисобидан бепул обуна қилинади. Шу муносабат билан ғолиб муаллифлар обуна расмийлаштириш учун зарур бўладиган куйидаги хужжатларни тахририятга тақдим этишлари лозим:

паспорт нусхаси;

СТИР(ИНН) нусхаси;

почта манзили ва телефон рақами.

Сўралган маълумотлар тахририятнинг куйидаги почта ёки электрон манзилига юборилишини сўраймиз:

100083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй; e-mail: info@marifat.uz

«Муаммо» технологияси

ўқувчиларнинг масалаларни муаммосиз ечишига кўмаклашади

Физика фанини ўқитишда назарий билим бериш ва амалий машғулотларни бажариш билан бир қаторда масалалар ечиш ҳам муҳим компонентлардан бири ҳисобланади. Чунки физика табиат ҳақидаги фан бўлиб, деярли ҳамма масалалар табиатга боғлиқ ҳолда тушунтирилади.

Дарс жараёнини инновацион педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, ўқувчиларга масалаларни замонавий усулларда ечишга ўргатиш ўзлаштириш самарадорлигини оширишда муҳим омил саналади. Мазкур масалани ҳал этишда кўлаб методлардан фойдаланса бўлади. Жумладан, ўқитувчи “Муаммо” технологиясидан фойдаланиб, физиканинг механика бўлимига доир масалаларни ечишни тушунтириши мумкин.

Технологияни ўтказиш тартиби куйидагича:

— ўқитувчи ўқувчиларга технологияни ўтказиш тартиб-қоидалари, яъна, гуруҳ ва жамоа бўлиб ишлаш мумкинлигини тушунтиради;

— ўқувчиларни ечиладиган муаммо билан таништирилади;

— ажратилган вақт тугагач, гуруҳ вакили томонидан жамоанинг фикри ўқиб эшиттирилади;

— ўқитувчи гуруҳларнинг жавобларини жамлаб, қорғозларни алмаштирган ҳолда тарқатади;

— ўқувчилар ўқитувчи тарқатган ва ўзларини қизиқтирган муаммолардан бирини танлайди;

— ўқитувчи тарқатган жадвалга ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзи танлаган муаммони ёзиб, мустақил равишда таҳлил қилади;

— яъна тартибда бўлса, ўқувчилар доска олдида муаммони таҳлил қилиб беради;

— ўқитувчи муаммолар ва уларнинг ечимларига яқун ясайди.

Физик масалаларни муаммоли ечиш схемаси куйидаги тартибда олиб борилади:

— ўқувчиларни масаланинг мазмунини билан таништириб чиқиш;

— масаладаги айрим янги атамаларнинг мазмунига эътибор қаратиш;

— масаланинг олдин ўрганилган масалалар билан умумий ва фарқли томонларини аниқлаш ҳамда моҳиятини тушунтириш;

— ечиладиган масаланинг физик қонунлар билан алоқадорлигини аниқлаш ва керакли катталикларни киритиш;

— масаланинг тегишли миқдорий қонуниятларини ўрнатиш;

— масалани ечиш.

1-масала. Иккита автомобиль бир-бирига

қараб $V_2 = \frac{15m}{c}$ ва $V_1 = \frac{20m}{c}$ тезлик билан ҳара-

катланмоқда. Ҳаракат аввалида улар орасидаги масофа $l = 70$ км бўлган. Уларнинг учрашиш жойи ва вақтини топинг (X ўқи (йўл) бўйлаб йўналган биринчи автомобилнинг бошланғич координатаси нолга тенг). Ҳар бир автомобиль учрашгунча босиб ўтган йўлни ва автомобиллар

Murakkab fanlarni o'rganamiz

орасидаги масофа $l_0 = 25$ км бўладиган вақтни аниқланг.

Ўқитувчи автомобиллар қандай ҳаракатланаётгани ҳақида сўрайди (биринчи муаммоли вазият пайдо бўлади).

Ўқувчилар биринчи автомобилнинг ҳаракат тенгламаси $x_1 = V_1 t$ билан белгиланишини айтади.

Ўқитувчи иккинчи автомобилнинг ҳаракат тенгламаси нимага тенглиги ҳақида сўрайди (иккинчи муаммоли вазият пайдо бўлади).

Ўқитувчи иккинчи автомобилнинг ҳаракат тенгламаси $x_2 = l - V_2 t$ билан белгиланишини айтади.

Ўқитувчи автомобилларнинг учрашув жойи ва вақтини қандай топиш мумкинлигини сўрайди (учинчи муаммоли вазият пайдо бўлади).

Ўқувчилар автомобилнинг учрашув жойини ва вақтини $t_{\text{учрашув}}$ билан белгилаб, автомобиллар учрашгандан кейин $x_{\text{учрашув}1} = x_{\text{учрашув}2}$ га тенг бўлишини айтади.

Ўқитувчи автомобилнинг учрашув вақти — $t_{\text{учрашув}}$ нимага тенглигини сўрайди (тўртинчи муаммоли вазият пайдо бўлади).

Ўқувчилар натижа нимага тенг бўлишини айтади.

Ўқитувчи автомобилнинг учрашув жойи — $x_{\text{учрашув}}$ ни қандай топишни сўрайди (бешинчи муаммоли вазият пайдо бўлади).

Ўқувчилар натижани айтади.

Ўқитувчи l_0 —автомобилларнинг орасидаги масофа; t_1 —автомобиллар бир-бирига яқинлашган ва t_2 —бир-бирдан узоқлашгандаги вақт нимага тенглигини сўрайди (олтинчи муаммоли вазият пайдо бўлади).

Ўқувчилар куйидаги формулаларни ёзади:

$l_0 = |x_2 - x_1| = |l - V_2 t|$. Унда $l_0 = -(V_2 + V_1) t_1$

$l_0 = -(V_2 + V_1) t_2$; $t_1 = \frac{l - l_0}{V_1 + V_2}$; $t_2 = \frac{l_0 + l}{V_1 + V_2}$

Ўқитувчи формулаларга қийматларни қўйиб, жавобларни чиқаришни сўрайди (еттинчи муаммоли вазият пайдо бўлади).

Ўқувчилар жавоблар куйидагича чиққанини айтади: 33 дақиқа, 30 км; 30 км, 40 км; -21 дақиқа, -45 дақиқа.

2-масала. Қаршилиги $R_A = 0,02 \Omega$ бўлган амперметр $I_A = 1,2$ А ток кучини ўлчагча мўлжалланган. Бу амперметр билан $l = 64$ токни ўлчаш мумкин бўлиши учун шунт қаршилиги қандай бўлиши керак?

Ўқитувчи масала шартдаги айрим ўқувчи-

лар учун номаълум бўлган сўзларнинг маъносини тушунтириб беради ва зарурат бўлса, занжирни чизиб тушунтиради.

Масаланинг ечилиши. Ўқитувчи амперметр қандай ўлчов асбоби эканини ва занжирга қандай уланшини сўрайди (биринчи муаммоли вазият пайдо бўлади).

Ўқувчилар амперметр занжирдаги ток кучини ўлчашини ва кетма-кет уланшини айтади.

Ўқитувчи берилган масаладаги шунт нима-лигини сўрайди (иккинчи муаммоли вазият пайдо бўлади).

Ўқувчилар амперметрнинг ўлчаш ораллигини кенгайтириш учун унинг чўғламга параллел қилиб уланадиган қўшимча қаршилиқ ($R_{\text{ш}}$) эканини айтади.

Ўқитувчи берилган занжир учун ток кучи нимага тенг бўлишини сўрайди (учинчи муаммоли вазият пайдо бўлади).

Ўқувчилар умумий ток кучи амперметр билан шунтдаги ток кучи йиғиндисида тенг бўлишини айтади.

Ўқитувчи шунт ва амперметрга қўлланиш тушиши қандай бўлишини сўрайди (тўртинчи муаммоли вазият пайдо бўлади).

Ўқувчилар шунт ва амперметрга қўлланиш тушиши $I_A R_A = I_{\text{шунт}} R_{\text{шунт}}$ га тенг бўлишини айтади.

Ўқитувчи бу формуладан шунтда ток кучи нимага тенг бўлишини сўрайди (бешинчи муаммоли вазият пайдо бўлади).

Ўқувчилар $I_{\text{шунт}} = I_A \cdot \frac{R_A}{R_{\text{шунт}}}$ га тенг бўлишини айтади.

Ўқитувчи юқоридаги формулалардан фойдаланиб, умумий ток кучи формуласи нимага тенг бўлишини сўрайди (олтинчи муаммоли вазият пайдо бўлади).

Ўқувчилар математик амалларни бажариб,

$I = I_A \left(1 + \frac{R_A}{R_{\text{шунт}}} \right)$ га тенг бўлишини топади.

Ўқитувчи натажавий формула нимага тенглигини сўрайди (еттинчи муаммоли вазият пайдо бўлади).

Ўқувчилар шунтнинг умумий қаршилиги

$R_{\text{шунт}} = \frac{R_A}{\frac{I}{I_A} - 1}$ билан топилишини айтиб, берилган қийматларни формулага қўйиб, тенгликни топади.

Шу билан метод якунига етиб, ўқитувчи дарсда фаол қатнашган ўқувчиларга миннатдорлик билдиради.

Бахшўла ОЛИМОВ,
Тошкент шаҳар
ХТХКТМОИ
кафедра мудири, доцент



2016-yil 17-sentabr, № 75 (8932)



«Faslning eng yaxshi ijodkori»

Қайноқ ижод намуналари

Ёз — қайноқ фасл. Аммо ана шу жазирама ҳам ижодкорларга илҳом бағишлайди. Газетхон муштарийларимиз, илғор педагог ва муаллифларимиз барча фасллардаги каби ёзда ҳам фаол ижод қилдилар. Тахририятимиз томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Фаслнинг энг яхши ижодкори» танловининг ёз фасли ғолиблари билан танишиб чиқсангиз бунга ўзингиз амин бўласиз. Ғолибларни муваффақият билан табриклаб, ижодларига барака тилаб қоламиз.

Танлов номинациялари номи	Ғолиб материал номи ва эълон қилинган санаси	Ғолиб муаллифлар
«Энг яхши мақола»	Пухта ўйланган вазмин сиёсат Ўзбекистон довуғини оламга ёйди (2016 йил 27 август)	Абдухалил Маврулов, тарих фанлари доктори, профессор
«Сермазмун саҳифа»	Дарснинг авжи ўйин (2016 йил 20 июль)	Илҳом Жўраев
«Энг яхши очерк ёки эссе»	Муқаддас масофаларни сақлаб (2016 йил 3 август)	Шодмонкул Салом
«Педагог-муаллифнинг долзарб материали»	Адолатли дарс тақсимоти мактаб жамоаси ва маъмурияти ишида шафқатли таъминлайди (2016 йил 10 август)	Сардор Кўбаев, Булунгур туманидаги 45-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари
Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни қўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиги ва энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдоридagi мукофот билан тақдирланади.		
«Қизиқarli интервью, суҳбат»	Хайкалтарош (2016 йил 4 июнь)	Акмал Жумамуродов
«Жозибали сурат»	Асрий анъаналар мужассам маскан (2016 йил 20 август)	Владимир Гранкин
«Самарали методик материал»	Қарс икки қўлдан чиқади ёхуд ўқитувчи ва ота-она ҳамкорлигининг ўқувчи ўзлаштиришига таъсири хусусида (2016 йил 23 июль)	Хулқарой Қосимова, Баликчи туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси
«Тарбияга оид амалий тақлиф»	Ёзги таътилдаги кун тартиби боланинг соғлиғига ҳам, одобига ҳам ижобий таъсир этади (2016 йил 6 июль)	Шаҳноза Акрамова, педагогика фанлари номзоди
«Ўқишли бадий асар»	Ғаройиб ўғри (эртak, 2016 йил 27 август)	Ҳидоят Олимова
Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни қўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиги ва энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдоридagi мукофот билан тақдирланади.		
«Воқеликка муносиб шарҳ»	Ўзбекистон: Қудратли қанотлар оғушида (2016 йил 13 июль)	Мухаммадjon Куронов, педагогика фанлари доктори
«Ўзига хос янгилик»	«Комплекс фанлар жамоавий олимпиадаси» ўқувчини барча фанлар бўйича ДТС талабларини бажаришга чорлайди (2016 йил 6 август)	Насиба Эрхонова
«Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши»	Кутубхоналар кутиб қолмасин! (2016 йил 9 июль)	Гавҳарой Бозорова, Тошкент кимё-технология институти талабаси
«Энг сара таржима материали»	Бекорчиҳўжа (2016 йил 10 август)	Инглиз тилидан Кандилат Юсупова таржимаси
«Мазмунли таълимий бошқотирма»	Масалалар ечишнинг хусусий ҳоллари (2016 йил 20 август)	Илёсжон Мутиллаев, Чуст туманидаги 7-ИДУМИ ўқитувчиси
«Энг яхши репортаж»	Ёшлик шижоати ва ғалаба сурури (2016 йил 1 июнь)	Зоҳиджон Холов, Шарифа Мадрахимова
Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни қўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиги ва энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдоридagi мукофот билан тақдирланади.		

Навоий вилояти Нурота туманининг ЮНЕСКО рўйхатида киритилган муқаддас қадамжоларию, қимматбаҳо Ҳозир мармарига ортиқча таърифнинг ҳождати йўқ. Эндиликда фаранг аёллари ҳам ўзбекона файзу тароват бағишлаб турган каштадўзлар маҳорати — бу мўъжаз масканга чиндан ҳам нур ато этилганидан далолат. Шулар қатори Нурота археологиясини алоҳида тилга олиш жоиз. Мазкур ҳудуд тупроғидан макон топган қадимий топилмалар туманининг олис тарихи кўзгусидир. Нурота туманидаги 8-умумтаълим мактабининг мўъжазгина ўлкашунослик бурчагида ана шу тарихнинг бир ирмоғи кўз очган. Уни 1971 йилда география фани ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси марҳум устоз Мустафо Ражабов ташкил этган. Муаллим ўлкашунослик материалларидан дарс жараёнида унумли фойдаланиш тажрибасини ўз фаолиятида кенг қўллаган. Унинг қошида тарихга, географияга меҳри баланд ўқувчилардан иборат «Горизонт» қидирув жамоасини тuzди. Ёшлар фанга оид билимларини мазкур бурчада амалиётда мустаҳкамлайдилар.

Мактабнинг ўлкашунослик бурчаги

доим ўқувчилар билан гавжум

Бурчадаги 250 га яқин экспонатларнинг асосий қисми мустақил топириқлар жараёнида йиғилган. Улар орасида Деҳибаланд қўргонидан қовлаб олинган хумдон ва қилич алоҳида эътиборга молик. Самарқанд вилояти археологлари томонидан олиб борилган илмий текширувлар жараёнида мазкур буюмларнинг XV асрга тегишли экани аниқланган. Бу эса қишлоқнинг 500 йиллик тарихи тикланганининг белгисидир. Шунингдек, қидирув мобайнида тошда қолиб кетган айиққа ўхшаш расм ҳам топилганини айтиб ўтиш жоиз. Ушбу тошсурат ҳозир Самарқанд археология илмий-тадқиқот институтида сақланмоқда. Ўлкашунослик бурчаги билан яқиндан танишар экансиз, «Горизонт» қидирув жамоасининг Москва, Санкт-Петербург ва Одессадаги харбий архивлар билан ёзишмалар олиб борганига гувоҳ бўласиз. Махсус китоб шаклида сақланаётган қўлёзмаларда Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган юртдошларимиз тўғрисида маълумотлар бор.

Уша кезларда устоз халқ таълими тизимида бу каби бурчақларни ташкил этиш гоёси билан ўнлаб конференцияларда иштирок этган. Унинг мавзуга оид қатор илмий мақолалар чоп эттиргани ҳам бежиз эмас. Сабаби, мазкур тадбирлар моҳиятида ўқувчиларга наинки фанни чуқур ўргатиш, балки уларнинг қалбида Ватан тарихига ҳурмат, юртсеварлик хиссини тарбиялашдек зғу мақсад мужассам эди.

— Ўлкашунослик бурчаги бизга даставвал кичик бир мактабнинг шинамгина кўргазма хонасидек туюлганди, холос, — дейди мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Ризокул Шодиев. — Устознинг ана шу «мўъжаз хона» захирасини тўлдирш учун қилган улкан меҳнатларидан хайратланган пайтларимиз ҳам кўп бўлган. У кишининг резина этик кийиб, дарсдан бўш пайтлари ёш-ялангни тоғ этакларига етаклаб, топилмаларни ўқувчиларига таърифлаб берганларини эшитганингизда эди... Танаси тупроққа сингиб кетган хум бўлаги, дастаси аллақачон емирилиб, асоси занглаган меҳнат қуроллари буюк тарихнинг чиндан ҳам бизга юборган мўъсафид элчиси эканига ишонардингиз. Бугун Мустафо Ражабовнинг ёнида юриб, топилмаларни кунт билан ўрганган шогирдларининг аксарияти тарихшунос, географ бўлиб етишган. Уларнинг тимсолида устоз меҳнатининг самарасини кўраман.

Мактабнинг ўлкашунослик бурчаги ҳамон ўқувчилар билан гавжум. Бугун у ўзига хос тарзда қайта таъмирланиб, мазмунан бойиган. Ҳудуд тарихининг бир бўлагини бағрида сақлаётган мўъжаз бу маскан кўпнинг эътиборига тушгани бежиз эмас. Зеро, юртни севадиган ҳар қандай фарзанд, аввало, унинг тарихини кўзига тўтиё этиб, сўнг эртаси учун хизматга шайланади.

Фахриддин РАЖАБОВ,
Навоий давлат педагогика институти
«Мактабча таълим»
кафедраси ўқитувчиси



Tabiat va biz

Бизни ўраб турган борлиқ тўғрисида нималарни биламиз? Атмосфера ва унинг таркиби тўғрисида-чи? Ер сиртини ўраб олган ҳаво қобиғи атмосфера дейилади. Ер сунъий ўлдошларнинг учинини кузатиш эса атмосферанинг бир неча минг километр баландликка чўзилганлигини кўрсатади. Биз улкан ҳаво океанининг тубида яшаймиз. Ер сирти — океанининг туби. Атмосфера грекча “атмос” — буғ, ҳаво, “сфера” — шар демакдир. Атмосфера ҳавоси таркибида 20,94 % кислород, 0,03 % карбонат ангидрид, 79,3 % азот бор. Бошқа газлар жуда кам миқдорда. Нафас билан чиқарилган ҳаво таркибида эса 16,3 % кислород, 4 % карбонат ангидрид, 79,7 % азот бўлади. Ер атмосфераси амалий жиҳатдан чексиз, унинг кимёвий таркиби деярли ўзгармайди. Аммо ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ривожланиши натижасида атмосфера таркиби ифлосланиб бормоқда. Ифлосланган ҳаво инсонга анчагина зарар етказиши. Масалан, кишилар соғлиғига таъсир этади, даракхлар ва бошқа ўсимликларни нобуд қилади. Ҳавога бир неча минглаб тонна қимматбаҳо металл чанг ва тутунлар билан бирга учиб кетади, бу инсонга иқтисодий зарар келтириши билан бирга ҳавони ифлослайди.

пайтида энергия чиқиш ҳодисасига асосланган. Одатдаги ёқилгиларда (кўмир, нефть, бензин ва ҳ.к) углевод бор. Ёниш вақтида углевод атоми ҳаводаги кислород молекуласи билан биригиб (CO_2) карбонат ангидрид моддаси ҳосил бўлади. Карбонат ангидрид ҳосил бўлиш жараёнида иссиқлик ажралиб чиқади. Бутун жаҳон бўйича саноатнинг тез ривожланиши, тошкўмир, нефть, табиий газларнинг ёқилғи сифатида кўп миқдорда ишлатилиши натижасида саноат зич жойлашган шаҳарлар ҳавосининг ифлосланиши низоҳатда кучайиб бормоқда.

Ифлосланган атмосферанинг ердаги жонли ва жонсиз нарсаларга, хусусан, бутун инсоният, ҳайвонот, ўсимликлар дунёси ва жами биосферага таъсири ҳам низоҳатда катта бўлаётди. Саноати ривожланган шаҳарнинг ҳавоси анча ифлос бўлади, “ҳаво, тутун,

тиришининг ўзи кифоя. Инсон овқатсиз беш ҳафта, сувсиз беш сутка, ҳавосиз эса атиги беш дақиқа яшаши мумкин. Агар инсон бир кунда 1 кг овқат еса, 2,5 литр сув ичади, 12 кг ҳаво истеъмол қилади. Абу Али ибн Сино инсонга тоза ҳаво берсанг у минг йил яшайди, деган. Ўқувчиларга ўзимиз яшаб турган уйимизнинг ҳавосини тоза тутушимиз кераклигини, бунинг учун нафталин, бензин, керосин, сирка кислота ва бошқа захарли моддаларни уйда сақлашмаслик зарурлигини доимий равишда таъкидлаб туриш жоиз. Уйни, ўқув хонасини ва кийим-кечакларни доим тоза тутиш, уйнинг ҳавосини янгиллаб туриш зарур. Богдорчилик, пахта ва полиз экинларига сепиладиган дорилардан

Атмосферани муҳофаза қилиш

бугуннинг энг долзарб масалалари сирасига киради

Атмосферани муҳофаза қилиш масаласи ҳозирги кунда энг асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Биз физика фанини ўқитишда атмосфера ва уни муҳофаза қилишга оид маълумотларни ҳам бериб бораемиз. Ҳаво ер сайёрасининг таркибий қисми бўлиб, ҳаёт ана шу ҳаво қатлами остида пайдо бўлган. Ердаги ҳаёт космик таъсирлар билан бевосита боғланган. Ҳаётимизни ҳар хил космик таъсирлардан ҳимоя қилувчи асосий нарса ҳаво қатламидир. Атмосферанинг юқори қатламига ҳар секундда космосдан ва қуёшдан низоҳатда катта энергияга эга бўлган гамма нурланиш, рентген нурлари, ультрабинафша нурлар, кўринадиган ёруғлик, инфракрас нурланиш ва бошқалар келиб туради. Агар булар ерга етиб келганда эди, уларнинг қудратли энергияси ердаги ҳаётни нобуд қилган бўларди. Атмосфера қуёшдан ерга келаятган нурнинг ҳаёт учун зарур бўлган миқдорини тозалаш ўтказиб, унинг иссиқлиги имкон яратса, ердан қайтган нурларнинг эса олам фазосига чиқиб кетишига йўл қўймайди. Бу ҳол ерни совиб кетишдан сақлайди ва сутка давомида ҳаво ҳарорати кескин ўзгаришига тўқсинлик қилади. Ана шу йўл билан атмосфера инсоннинг яшаши учун зарур бўлган иссиқликни сақлаб туради. Атмосфера бўлмагандоки ернинг қуёш ёритган томони (кундузи) +1000 С гача исий, ёритилмаган томони (кечаси) -1000 С га совиган бўлар эди.

Атмосфера ерни метеоритлар оқимида ҳам ҳимоя қилади. Уси дарё, денгиз, океан сувлари, музликлар қуёшдан келаятган энергия таъсирида буғланиб, олам фазосига тарқалиб кетарди. Атмосфера туфайли ер шарида сув маълум миқдорда сақланиб, ҳаётни таъминлаб туради. Уни инсонга кислород етказиб беришчи ноёб манба дейиш мумкин. Атмосфера фақат тирик организмнинг яшаши учун манба бўлиб қолмасдан, туганмас бойлик ҳамдир. Инсон ўзининг иш фаолиятида ҳаводан турли масадларда фойдаланади. Ҳаво кимёвий ишлаб чиқаришда хомашё ва энергия манбаи сифатида ишлатилади. Шамол двигатели, ҳаводан турли хил қурilmаларни совутиш мақсадида фойдаланилади. Атмосфера табиий ҳолдаги улкан лаборатория бўлиб, унда сув массаси ва иссиқлик ҳаракатининг ўзаро таъсири туфайли турли-туман физикавий ҳодисалар юз беради. Ер сиртининг турлича қизishi натижасида босим фарқи вужудга келиб, шамол пайдо бўлади. Тупроқ ва сув юзидан сув буғланиб, атмосферага чиқиб булут ҳосил бўлади. Бу сув ва бошқа аралашмалар турли кимёвий реакци-

яларнинг содир бўлишига олиб келади. Атмосферада турли-туман электр, акустик, оптик ҳодисалар рўй бериб туради. Бундай табиий илмий лабораторияни сунъий равишда ҳосил қилиб бўлмайди.

Атмосфера ҳавоси табиий ҳолда ва сунъий равишда ифлосланади. Табиий ифлосланиш табиий равишда содир бўлган табиат ҳодисалари оқибатида юз беради: кучли шамоллар таъсирида кум ва тупроқнинг учishi, ўрмонларда содир бўладиган ёнғинлар, вулконларнинг отилиши, ер тагидан иссиқ минерал сувлар, денгизлардан ис газ, олтингургут чиқиши ва бошқалар. Атмосфера таркибида доим чанг зарралари мавжуд бўлади. Бу чанглрлар атмосфера ҳавосининг таркибий қисми ҳисобланади. Табиий чанглрлар органик ва ноорганик нарсалардан ҳосил бўлади. Вулконлар натижасида чиқадиغان турли чанг ва зарралар, ўрмон ва чўллардаги ҳар хил буталар, ўтлар, торфлар ёнганда тутун аралаш кул, қурум, қатрон ва бошқа нарсалар ҳавога тарқалади ва коинотни ифлослайди. Денгизлар суви буғланишидан пайдо бўладиган тузлар, тоғ ва жинсларнинг емирилиши ва шамол кўтарадиган чанглрлар атмосфери пастки қатламини зарарлайди.


Атмосферанинг юқори қатламларини ифлослайдиган асосий нарса бу космик чанглрлардир. Атмосферанинг табиий ҳолда бундай ифлосланиши ердаги ҳаёт учун деярли ҳаф тўғдирмайди, чунки у ўзини табиий ҳолда тозалаш туради. Оғирроқ нарсалар ўз оғирлиғи боис, ёнғил ва кичик зарралар эса ёнғингарчилик натижасида ерга тушади. Олам фазосидан ерга келадиган турли чанг ва метеор зарралар, ўрмонларда бўладиган ёнғинлар атмосферага катта зарар етказиши. Ҳар йили минглаб ўрмон ёнғинларидан атмосферага жуда кўп миқдорда тутун билан ҳар хил чанг ва ис газ учиб чиқади. Айрим жойларда ўрмоннинг ёниши бир неча ҳафталаб давом этади. Бундай пайтда ҳаво қуюқ тутун билан қопланиб, киши нафас ололмай қолади. Ҳавога тарқаладиган тутун аралаш кул, қурум ва бошқа зарарли моддалар ҳаво таркибини ифлослаши билан бирга ерга келаятган қуёш нурига ҳам салбий таъсир ўтказиши.

Атмосферанинг таркиби ҳозирги вақтда сунъий равишда ўзгариб бормоқда. Бундай ўзгаришларга инсониятнинг қундалик фаолияти сабаб бўлмоқда. Сабаби, улар қундалик турмушда ўтин ва ёқилғидан фойдаланади. Ёқилғидан фойдаланиш атомлар бирикми молекула ҳосил бўлаётган

қурум ва чанглрлар булуту” билан қопланган шаҳарларга қуёшдан келаятган нур қамаяди. Атмосферада мавжуд бўлган зарарли нарсаларнинг бир қисми оғирлиғи туфайли ерга тушиб, ўсимликлар сирти ва баргларига ўтириб қолади, бир қисми эса ҳавода учиб юради. Ҳайвонлар чанг билан қопланган ўсимликларни егандо ва ифлос ҳаводан нафас олгандо захарланади. Ҳайвон организмга бундай моддалар қўлаб кириб қолса, улар захарланиб нобуд бўлиши мумкин. Захарланган молларнинг сутини ва гўштини истеъмол қилган кишиларнинг соғлиғи ёмонлашади. Саноат чиқиндилари ўсимликларга, қишлоқ ҳўжалиғи экинларига, ўрмонларга, шаҳардаги ва шаҳар атрофидоги мавжуд яшил ўсимликларга катта зарар етказиши. Атмосферани ифлослайдиган энг хавфли манбалардан яна бири радиактив моддалардир. Радиактив моддалар табиатда азалдан мавжуд бўлиб, инсон ана шу радиактивлик оламида яшайди ва ҳар доим унинг таъсирида бўлади. Радиактив моддалар атмосфера, сув, тупроқ қатламининг бирор жойида тўпланиб қолмайди. Оқим таъсирида низоҳатда катта ҳудудга тарқалади.

Инсон — табиат фарзанди. Шу маънода ёшларни табиати севишга ўргатиш, уларни табиатга нисбатан маданиян ва онгли муносабатда бўлиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилишга ундаб туриш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Агар инсон ёшлагидан табиатга тўғри муносабатда бўлишга ўргатиб борилса, у анча яхши натижа беради. Кузатишлардан маълум бўлдики, физика фанини ўқувчиларга ўргатишда, албатта, жонли, ҳаётий мисоллардан фойдаланиш, уларни табиати муҳофаза қилиш руҳида тарбиялаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида табиати муҳофаза қилишнинг асосий мақсади, ўқувчиларда табиат ҳақида тўғри тасаввурларни шакллантириш, табиатга нисбатан онгли муносабатларни таркиб топтириш, уларни табиат бойликларида оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш, бойитиш, келажак авлодларга соф ҳолда қолдириш руҳида тарбиялашдан иборат. Ўқувчилар онга шуни сингдириш кераки, табиатни севган маданиятли, онгли киши унга зарар етказмайди. Чиқиндиларни тўкиб-сочмайди, ҳавони ва сувни ифлослантормайди, балки уларни тоза тутати, даракхларни синдирмайди ва кесмайди, аксинча қўлайтиради.

Тоза ҳавонинг инсон саломатлиғи учун нақадар муҳимлигини билиш мақсадида қуйидаги маълумотларни кел-



узюқда бўлиш ва эҳтиёт чораларини кўриш лозим, чунки бундай моддалар ҳавога тез тарқалиб, уни ифлослантириб кишини захарлаши мумкин.

“Иссиқлик двигателлари” мавзусини ўтганда ёнғил автомобиллар алоҳида аҳамиятга эгаллиғига эътибор берилади. Автомобилларнинг амалий аҳамияти инсон ҳаёти учун шубҳасиз катта. Аммо автомобиль фойдали, қулай транспорт бўлиши билан бирга, инсон учун хавфли жиҳатлари ҳам бор: автомобиллар ҳаракати натижасида шовқин кучаяди, ҳаво ифлосланиб ҳарорат ортади. Автомобиль мотори ишлаган вақтда зарарли кимёвий бирикмалар ҳавога чиқиб уни ифлослайди. Бу бирикмалар инсон учун энг хавфли касалликларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шаҳарларда ҳаракатланаётган автомобиллар низоҳатда қўлайиб кетганда кишиларнинг нафас олиши қийинлашиб, ҳаёт хавф остида қолади. Асосан ёзининг иссиқ, шамолсиз пайтлари бу ҳол хавфли тус олади. Бундан таъқир, машиналар ҳаракат қилган пайтда унинг моторидан кучли шовқин чиқиб, кишиларнинг асабига салбий таъсир этади. Шунинг учун автомобиль двигателидан чиқадиغان захарли газлар ва шовқинни семайтириш масаласи шу куннинг энг асосий муаммоси бўлиб қолмоқда. “Тоза ҳаво ойлғи” тадбирларини ўтказишдан мақсад транспорт воситаларидан чиқадиغان ифлослантувчи чиқиндиларни қамайитириш ва ҳаво ҳаззаси мусаффолигини таъминлашдан иборат.

Ҳайдовчилар автотранспортларини доимий равишда эко қўриқдан ўтказиб, имконият даражасида дизел ва бензин ёнғилсидан воз кечиб, газ ёнғилсига ўтиши билан ана табиатимизга, ҳавомиз мусаффолигини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшади. Умуман, таълим муассасаларида эко тўғараклар ташкил этиш ўқувчиларни экскурсияга олиб бориш, табиати муҳофаза қилишга оид китоб ўқиш, ўқувчиларни табиати кузатиш ва уларни муҳофаза қилишга ўргатиш, рефератлар ёзиш, физикавий кеча ва илмий-анжуманлар ва викториналар ўтказиш каби тадбирлар уюштирилиши катта аҳамиятга молик.

Исроил ЖўРАЕВ,
Бухоро муҳандислик-технология
институтини қошидаги
2-Қоровулбозор академик
лицейининг физика фани бош
ўқитувчиси,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси

Fikr, mulohaza, taklif

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этиш тўғрисида"ги фармони маънавиятимизни юксалтириш, ўзлгимизни англаш борасидаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтарди, десак хато бўлмайди. Ушбу фармонда жумладан, "... биринчи навбатда, фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий лугатлар яратиш, зарур атамалар ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш олдимизда муҳим вазифа бўлиб турганини қайд этиш лозим", деб таъкидланган. Бу борада техника соҳасидаги тарихий атамаларни ҳам жиддий тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади. Чунки соҳага оид сўз ва иборалар кенг оммага тақдим этилса, истеъмолдан чиққан архаик сўзлар қайта жонлантирилса, аввало тилимиз бойида, қолаверса, ўқувчилар қурилиш ва архитектурага доир бой тарихимиз билан таништириб борилади. Техник атамалар муаммоси математика, физика, кимё сингари фундаментал фанлар соҳасида озми-кўпми ҳал этилган. Шунингдек, назарий механика, ашёлар қаршилиги, эластиклик назарияси, қурилиш механикаси сингари техникага доир фанларда ҳам талайгина утуқларга эришилган. Аммо ҳозирга келиб қурилишнинг турли соҳалари, хусусан, қурилиш ашёлари, ер ости қурилиши, оддий ва фазовий қурилиш ечимлари технологиясига

доир йўналишларда ўзбекча атамалар устида ишлаш, тилимизнинг софлигини таъминлаш бўйича янада кўпроқ изланиш олиб бориш бугуннинг муҳим талабига айланди.

Ўтмишда аждодларимиздан бизгача етиб келган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабздаги бетакрор архитектура ёдгорликлари, маҳобатли миноралар, минг йиллар наридан бизгача етиб келган пардозбоп ашёлар хатто ғарблик мутахассисларни ҳам ҳануз ҳайрат-

эскирган тарихий сўзларни излаб топиш ва муомалага киритиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида тилимизда янги сўзлар пайдо бўлди. Бу борада кўпгина буюк олимларимиз асарларидаги ўзбек атамалари техника соҳасига киритилганини алоҳида таъкидлаш керак. Бунинг самараси ўларок, «ригель» — сарров, «перемичка» — сарбаста, «строительные материалы» — қурилиш

«Темирчи уста»ми ёки «металлчи уста»?

га солиб келмоқда. Табиийки, уларни номлашда ҳам ўзига хос, оригинал атамалардан фойдаланилган. Шундай экан, техника соҳасидаги тарихий атамалар билан халқимизни таништирсак, айрим ўринларда уларни муқобил сифатида ишлатсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маълумки, четдан кириб келган сўзлар ҳисобига тилнинг бойиши ҳам табиий жараён ҳисобланади. Бунда муносиблари яшаб кетади, маъқул келмаганлари истеъмолдан тушиб қолади. Ўтган йиллар мобайнида тилимизда ҳам четдан кирган сўзлар ҳисобидан бойиш ҳолати кузатилди. Масалан: арматура — ўзақ, конструкция — унсур, факультет — куллитейт каби. Аммо бу сўзларнинг барчаси ҳам амалда «яшаб» кетолмади. Бироқ айрим

ашёлари, «керамика» — сопол каби атамалар лугатларимиздан мустаҳкам ўрин олди. Эндиликда «строительные материалы» ва «металл в строительстве» каби русча атамалар ўзбек тилида «қурилиш ашёлари» ва «темир ашёлар» деб юритиладиган бўлди. Шу ўринда айрим мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтсак.

Маълумки, барча қурилишбоп хомашёлар қайта ишланади, яъни, хомашё майдаланади, кукун даражасига тўйилади, куйдирилади, бошқа хомашёлар билан аралаштирилади ва моддалараро кимёвий бирикшиш жараёни рўй беради. Хуллас, бундай технологик жараёндан кейин хомашёнинг хомлиги қолмайди, у «ашё»га айланади. Шу боис ҳам қурилиш «материали» эмас, «ашёси» деб аташ кераклиги

Ўзбекистон Республикаси "Ўздавархитектурилиш" кўмитаси қарори билан қайд этилган.

Яна бир мисол, «металл в строительстве», «металловедение», «металлические конструкции» сўзлари ҳам «темир ашёлари», «темиршунослик», «темир конструкциялар» деб аталса, илмий томондан тўғри бўлади. Зеро, «темирчи» устани «металлчи» уста деб бўлмайди. Албатта, «металл» атамаси халқ орасида кўп ишлатиладиган сўз. Лекин илмий асосда таҳлил қилинса, «металл» ўрнига темир атамасини қўллаш тўғри ҳисобланади. Илмий манбаларда «металл» деганда, унинг таркибидаги темир оксиди 5% дан ошмаслиги, қурилишда энг кўп ишлатиладиган «темир» таркибидаги металл эса 5% дан ошмаслиги керак, дейилган. Агар қурилишда таркиби бир хил моддадан ташкил топган алюмин ёки мис ишлатилса, унда уни металл деса бўлади. Лекин таассуфки, айрим лугатларда темирни «металл», металл эса «темир» деб, ўқувчини чалғитиш ҳоллари ҳам учрамоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ўзбек усталарининг техникага доир сўз хазинасини кенг ўрганиш, илмий изланишлар олиб бориш, ҳар бир атамани асослаш ва амалиётда қўллаш каби вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор беришимиз керак. Бундай хайрли ишларни бажаришда мавжуд муаммоларни бартараф этиш билан нафақат қурилиш атамаларини саралаш, балки, ўзбек тилининг янада бойиши, софлишига ҳисса қўшган бўламиз.

Э.ҚОСИМОВ,
техника фанлари доктори,
профессор

Bir bor ekan, bir yo'q ekan. Daryoga yaqin qishloqlarning birida otasi, o'gay onasi va o'gay singlisi bilan sohibjamol qiz yashar ekan. Ulg'aygani sari uning odobi, husni-jamoli el ichida ovoza bo'lib, sovcilar kela boshlabdi. Qizning baxti ochilayotganini ko'rgan o'gay onaning yuragi hasad o'tida yona boshlabdi. Har xil bahonalар bilan sovcilarga rad javobini berib, uning baxtini boylash harakatiga tushibdi. Kunlarning birida o'gay onasining doimiy janjallari, qitmirliklaridan bezigan qiz uydан bosh olib ketibdi. Xo'rliklarga chidab yashagandan ko'ra, baliqlarga yem bo'lishni afzal bilibdi. O'zini daryoga tashlamoqchi bo'lib, qirg'oqqa yaqinlashgan ekan, suv parisi bosh ko'tarib:

— Ey sohibjamol, baxtli qiz ekansan. Bugun odamlarga sovg'a ulashidigan kunim, — deya qiz payiga uchta: qizil, sariq, oq atirgullarni tashlab, ulardan birini tanla, — debdi.

— Sening sovg'alaring g'amga botgan ko'nglimni sira ko'tara olmaydi. Yaxshisi, menga xalaqit bermа, daryo meni bag'rigа оlsin. Shunda barchа g'am-tashvishlardan qutulaman.

— Bugun mendan sovg'a olishing shart. Bo'lmasа, daryo devi g'azab otiga

minib, qishlog'ingni suvga bostiradi. Odamlar seni deb baloga qolishini istamassan.

Qiz sovg'ani olishga ko'nbdi.

Qizil atirgul chiroyli bo'lgani bilan o'zidan yoqimsiz hid taratarkan. Sariq atirgul so'lib qolgan, undа nа ifor, na chiroy bor ekan. Oq atirgul esa xushbo'y bo'lsa-da, tanasi g'adir-budur tikanlar bilan qoplangan ekan. Qiz qay birini tanlashni bilmay, gullarga uzoq termulib qolibdi. So'ng, "Axir men sho'rпeshonaga beriladigan sovg'a bundan ortiq bo'lsinmi?" — deb oq atirgulti tanlabdi. Ro'molini yechib, gulning tikanli tanasini avaylab o'rab, endi ketmoqchi bo'lgan ekan, suv parisi uni to'xtatibdi.

— Qolganlarini ham ol, yo'lingda uchraganlarga sovg'a qilasan. Ammo ochko'zlik bilan o'zingga olib qolma, — debdi.

— Aytganingdek bo'ladi.

U suv parisiga so'z berib, yo'iga tushibdi. Adirdagi yolg'izoyoq yo'lda qarshisidan

devonasifat bir yigit chiqibdi.

O'ziga o'zi nimalardir der, goh kular, goh yig'lamsirab osmongа tikilib qolar ekan. Qizning qo'lidagi atirgullarga havas bilan qarabdi. Buni sezgan qiz gullardan birini unga tutqazibdi. Yigit xursandligidan osmongа qarab yanada baland sakrar, "Go'zal qiz mengа atirgul sovg'a qildi" deya qichqirar, hadeb badbo'y qizil atirgulti hidlab, bag'rigа bosarkan. Qiz uni shodlantirganidan quvonibdi. Shu payt allaqayotdan quyun paydo bo'lib, yigitni o'rab olibdi. Zum o'tmay yigitni bo'shatib, ko'kka ko'tarilibdi. Quyundan omon chiqqan yigit esa endi sog'lom, go'zal, buning ustiga chiroyli kiyim-boshda paydo bo'libdi va qizga "Ertaga Sizni shu yerda kutaman, sohibjamol qiz", — deya qizil atirgulti bag'rigа bosganicha qolibdi.

Ozmi-ko'pmi yo'l bosib, qiz qishlog'iga kirib boribdi. Uni quduqdan suv olgani chiqqan o'gay onasi kutib olib, odatdagidek o'shqira ketibdi.

— Kun bo'yi qayoqlarda sandiroqlab yuribsan? Qo'lingdagi atirgulti qaysi bog'dan o'g'irladigа? — deya tortqilab, yulib olibdi. Yaxshiyam qiz o'zining oq atirgulti qo'yniga berkitgan ekan.

— Oyijon, bu gulti ataylab Sizga deb uzgan edim, — deb sariq atirgulti unga tutibdi.

O'gay ona gulti dimog'iga olib borib, hidlabdi. Ko'rimsiz va badbo'yligidan g'ijimlab, yergа uloqtiribdi. Bu ham yetmagandek, oyog'i bilan ezg'ilay boshlabdi. Qiz onasiga qanchа yalinmasin to'xtata olmabdi. Yerda yotgan gul bir zumda botqoqqa aylanib, o'gay onani domiga tortib ketibdi. Qiz bir amallab uni qutqarib olibdi. Ammo o'gay ona badbashara botqoq kampiriga aylanib qolibdi. Shu holatda odamlar ko'ziga ko'rinishdan uyaliб, qishloqdan bosh olib ketishga majbur bo'libdi.

Nihoyat, qiz qo'lida oq atirgul bilan kulbasiga yetib kelganida, halinchak uchayot-

gan o'gay singlisiga duch kelibdi. Singlisi oq atirgulti ko'rishi bilan suqlanib qarabdi va "Menga olib keldingmi?" deb qo'l cho'zibdi. Qiz o'ziga atalgan sovg'ani o'gay singlisiga berishga majbur bo'libdi. O'gay singil atirgulti qo'lga olishi bilan, tikanlari sanchilibdi. Achchiqlangan o'gay singil "Sen atay shuni mengа ravo ko'rgansan", — deb unga tashlanibdi. So'ng atirgulti bolta bilan maydalashga tushibdi. Shu payt toptalgan atirgul ko'lga aylanib, qizni domiga tortib ketibdi. Sohibjamol qiz o'gay singlisini qutqarishga har qanchа urinsa-da, ilojini topolmabdi. Shunda ko'ldan bir tipratikan chiqib kelibdi. Uning yelkasida oq atirgul turganmish. Sohibjamol bu tipratikan o'gay singlisi ekanini sezibdi. Unga mehribonlik qilish uchun uyiga olib ketibdi. Shu-shu, sohibjamol o'gay onasini qayta ko'rmabdi. Tipratikanga aylangan singlisi ham shu holicha qolib ketibdi. Aytishlaricha, u ko'p yillardan buyon opasiga qilgan yomonliklari uchun shu jazoga duch kelgan ekan.

Qissadan hissa shuki, yaxshilar yetar murodga, yomonlar qolar uyatga.

Hidoyat OLIMOVA

Uch atirgul (ertak)

Миллий ўйинларнинг толмас тарғиботчиси

Хар бир халқнинг аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган миллий анъаналари, эзгу қадриятлари бор. Ҳаракатли ўйинлар ана шундай қадрият сирасига кирилади. Истиқлол йилларида юртимизда халқ ўйинларини қайта тиклаш ва ёш авлодни қадриятларимиз руҳида тарбиялашга улкан эътибор қаратилди. Албатта, бундай кенг қўламли жараёнда катта ҳаётий ва илмий тажрибага эга педагоглар, олимлар ва амалиётчи-мураббийлар қатнашди. Шулардан бири педагогика фанлари доктори, профессор Талъат Усмонхўжаевдир.

Талъат аканинг болалиги оғир кечган. Калбида катта спортчи бўлиш орзуси яшарди. Бироқ бундай ҳаёллар у пайтлари худди ширин туш каби амалга ошмай қолаверарди. Талъат ака бундай қисматга сира қўнишни истамасди. Характеридаги вазминлик, талабчанлик ва мустахкам ирода бўлгуси олимнинг орзулари саробга айланмаслиги, аксинча, тоғдек тўсиқларни енгиб ўтишига куч ва иштиёқ бағишлади.

У Москва шаҳридаги жисмоний тарбия институтини тамомлади ва Тошкентга қайтиб, ўша вақтларда янги очилган Ўзбекистон жисмоний тарбия институтида педагогик фаолиятини бошлади. Қисқа вақт ичида ўқитувчилик билан бирга миллий спорт турларини тиклаш, аҳоли ўртасида тарғиб қилиш борасида ибратли ишларни амалга ошира бошлади. «Наҳотки шундай улкан салоҳиятга, ақлу заковатга эга халқнинг миллий спорт турлари, ўйинлари бўлмаса?» деган савол уни анчадан буюн қийнар, кескалар билан кўпроқ суҳбатлашмиш, тарих сарҳифларини ўқишга ундайверарди.

У излангани сари кўпроқ маълумот топар ва тоғгани сайин ҳаракати ошарди. Бу халқ ўйинларида аждодларимизнинг ўй-хаёллари, завқу ғайрати ақс этиб турарди. Аммо Талъат акани бир нарсаси: шундай улкан маънавий меросимиз бўла туриб, улардан таълим муассасаларида деярли фойдаланилмаслиги қийнарди.

Шу боис у биринчилардан бўлиб ҳаракатли ўйинларнинг миллий хусусиятларини тадқиқ

этди. Айниқса, миллий ҳаракатли ўйинларнинг болаларнинг жисмоний камолоти, физиологик ривожланишидаги имкониятларини номзодлик диссертациясида илмий жиҳатдан асослаб берди. Айниқса, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Илҳом Каримовнинг аждодлар бой меросини халқимизга қайтариш борасида амалга оширган бемисл ишлари Талъат акадек жонқурларга қанот бағишлади, куч берди. Натижада у ўз изланишлари, илмий мақолалари билан юртимиздагина эмас, балки хорижий мамлакатларда ҳам бир неча марта эътироф этилди.

Талъат ака — аввало, моҳир педагог. Унинг, қишлоқ ёшлари орасидан иқтидорлиларини саралаб олиш ва жисмоний тарбия билан шугулланиш учун олий таълим муассасасида ўқишга жалб этиш борасидаги сай-ҳаракатлари айниқса, эътиборли. Талъат Усмонхўжаев сингари фидоий, бағрикенг педагоглар тufayли бугун чекка қишлоқларимизда ҳам олий таълим муассасасида жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ёшларга сабоқ бermoқда. Талъат ака, шунингдек, хотин-қизлардан спортчилар, мураббийлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. «Қизларга аёл мураббий дарс ўтса, самарадорлик кескин ортади. Бизнинг қизларимиз қониди Тўмарису Барчиноларнинг қони, шижоати бор», деб ўзаро суҳбатларда кўп айтиб устозимиз.

Талъат ака ҳақида гап кетганда, унинг миллий ҳаракатли ўйинларни тиклаш, халқ орасида оммалаштириш, уларнинг тарби-

явий имкониятларидан оқилона фойдаланишга оид сай-ҳаракатлари кўпроқ эсланади. Биринчи бор Форишда ўтказилган халқ ўйинлари фестивалининг ташаббускори ва ташкилотчиларидан бири ҳам айнан Талъат Усмонхўжаев эди. Бундан ташқари, олимнинг ҳаракатли ўйинларга доир оммабоп ишлари бугун соғлом турмуш тарзи тарғиботчилари учун ўқув манба вазифасини бажармоқда.

Талъат ака турли йилларда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, Республика олимпия захиралари коллежи, Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида ишлаб, ўзига хос илмий мактаб яратди, болаларни жисмоний ва маънавий камолга етказишда ҳаракат фаолликлари муҳим аҳамиятга эга эканини илмий-педагогик жиҳатдан асослаб берди, педагогика соҳасида фан доктори илмий даражасига эришди.

Профессор, 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Талъат Усмонхўжаевнинг юксак инсоний фазилатларини узоқ эътироф этиш мумкин. Устознинг халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний камолоти йўлида амалга ошираётган бундай ташаббуслари, фидоийликлари шу билан тугамайди, ҳали Т.Усмонхўжаевнинг гоғялари, режалари кўп. Уларнинг бирма-бир рўёбга чиқиши эса юртимизнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида янада тараққий этиши учун хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Асқарали СУЛАЙМОНОВ,
Т.Н.Қори Ниёзий номидаги
Ўзбекистон Педагогика
фанлари илмий-тадқиқот
институти лаборатория
мудир

Эртага паралимпиада якунланади

Унда вакилларимиз эришган натижа эса галдаги
галабаларга йўл очади

Хабарингиз бор, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида XV ёзги Паралимпия ўйинлари ўтказилмоқда. Унда икки юздан ортқ мамлакатдан келган спортчилар қатори спортчи-ампутантларимиз ҳам ўз имкониятини синиб кўрмоқда. Қувонарлиси, 32 нафар паралимпиячидан иборат спорт делегациямиз етти кун ичида нуфузли мусобақанинг 30 та медалини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Енгил атлетика баҳсларида ўз омадини синиб кўрган ампутантимиз Александр Свечников найза отиш йўналишида 65,69 метр натижа билан Паралимпия ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди. Бу ҳаммаси эмас. Александрнинг мазкур кўрсаткичи паралимпия рекорди сифатида алоҳида қайд этиб қўйилди.

Енгил атлетикачи хотин-қизлар ўртасида ядро улоқтириш бўйича кечган мусобақада иштирок этган ҳамюртимиз София Бурхонова кумуш медал билан тақдирланди. София ядрони 15,05 метрга улоқти-

ришга муваффақ бўлди. Эслатиб ўтамиз, мазкур йўналишда олтин медални италиялик Ассунта Легнанте, бронза медални мексикалик Ребекка Альварес қўлга киритди.

Шунингдек, енгил атлетикачимиз Хўсниддин Норбеков ядрони 15,17 метрга улоқтириб, бронза медалга эришди. Ёдингизда бўлса, у мусобақаларнинг илк кунидан дискни нақ 59,75 метрга улоқтириб, паралимпия чемпиони бўлиш билан бирга жаҳон рекордини ҳам янгилаганди.

Истеъдодли сузувчимиз Муслимаҳон Оди-

лова эса XV Паралимпия ўйинларидаги ўзининг иккинчи, делегациямизнинг олтинчи кумуш медалини қўлга киритди. Муслимаҳон дастлаб 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича бу сафар 50 метрлик масофани эркин усулда 28 сонияда ортада қолдириб, иккинчи кумуш медалга эгалик қилди.

Эътиборлиси, ушбу масофага эркин сузиш бўйича бронза медал ҳам Ўзбекистон вакили Шохсанам Топшўлатовага насиб қилди. Биласиз, Шохсанам ҳам аввалроқ 200 метрга комплекс усулда сузиш бўйича бронза медал билан тақдирланганди.

Эркалар ўртасида 50 метрга эркин сузиш баҳсида Музаффар Турсунхўжаев 00:24,21 натижа кўрсатиб, яна бронза медал билан қифоланди. У 100 метрга баттерфляй усулида сузиш

бўйича ҳам бронза медал соҳиби бўлганди.

Қувонарлиси, ампутантларимиз учталаб соврин утишга муваффақ бўлмоқда. Хусусан, спорт делегациямизнинг энг сермахсул вакиласи Фотимаҳон Омилова ҳотимада айни пайтда XV Паралимпия ўйинларининг олтин, кумуш ва бронза медаллари бор.

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қилаётган XV ёзги Паралимпия ўйинлари якунланишига бир кун қолганида юрдошларимиз 7 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза, жами 30 та медалга жамғариб, умумжамоа ҳисобида 12-ўринни банд этиб турибди. Бу кўрсаткич билан вакилларимиз Осиё ва МДХ давлатлари орасида 2-ўринда бормоқда. Эслатиб ўтамиз, Паралимпия ўйинлари эртага ўз ниҳоясига етади.

Зоҳиджон ХОЛОВ


Shashka saboqlari

Чинакам халқона ўйин

2-дурс. Шашка тахтасида диагоналлари номи Шашка доналари (1-расм).

Саккиз катакдан иборат энг катта диагональ катта йўл деб аталади (2-расм). Катта йўлга тик жойлашган ҳар бири етти катакдан иборат диагоналлари иккиталик дейилади. Катта йўлга параллел жойлашган ҳар бири олти катакдан иборат диагоналлари ўчталик деб аталади. Бу диагоналлари номини библиш жуда муҳим.

64 катакли шашкада 12 та оқ ва 12 та қора доналар билан ўйналади. 1-, 2- ва 3-қаторларга оқ доналар, 6-, 7- ва 8-қаторларга қора доналар терилади. 4- ва 5-қаторлар очик қолдирилади.



2-расм

Доналар ва дамканинг юриши. Шашка ўйинидаги юриш — бу доналарни бир катакдан иккинчи катакка суриш дегани. Биринчи юришни доимо оқ доналар билан ўйнайдиган ўйинчи амалга оширади ва томонлар галма-галдан юрадилар. Ҳар бир юриш битта қўл билан амалга оширилади. Бошланғич ҳолатда ҳамма доналар оддий бўлади. Оддий дона фақат олдинга — битта қўшни катакка юриши мумкин. Оддий дона орқага юра олмайди. Ўйин вақтида рақибнинг охириги қаторига чиқиб олган оддий дона дамкага айланади. Ҳар бир томонда бир нечтадан дамка бўлиши мумкин.

Оддий дона уриб олиш ҳисобига охириги қаторга чиқиб олса, у ўз-ўзидан дамкага айланади ва узоқда турган бўлса-да, рақиб дона(лар)ни уришни давом эттириши мумкин. Ушбу мисолда оқ дона рақибнинг икки донасини уриб, дамкага чиқади ва бир неча катак нарида турган 3-қора донани ҳам уради (3-расм).

Дамкага айланган дона устига яна битта дона қўйиб ёки донани тескари айлантириб, дамкани ажратиб мумкин. Бизнинг машғулотда дамка оқ дона ўртасига қора, қора дона ўртасига эса оқ белги қўйилган.

Дамка оддий донадан фаркли равишда бир неча бўш катаклар бўйлаб олдинга ва орқага ҳаракатланиши мумкин. Дамка ўз доналари устидан сакраб ўта олмайди.

Юриш бир донани бошқа катакка ўтказиб, донадан қўлни узгандан сўнг амалга оширилган ҳисобланади.

Агар юриш навбати келган ўйинчи ўзининг донасини ушласа ёки қўлни теккизса, ўша дона билан юришга мажбур. Иккита ва ундан кўп донага қўли тегса, биринчи қўли теккан дона билан юриши ёки уриб олиши шарт. Юриш ёки уриб олиш имкони бўлмаган ўз донасини ушлагани учун ҳеч қандай жазо белгиланмайди ва ўйинчи исталган, мумкин бўлган бошқа юришни амалга оширади.

Ўйинчи ўз донасини ёки дамкасини бошқа катакка қўйиб, ундан қўлни узганда бўлса, шу донани бошқа катакка қўйишга ҳаққи бор.

Юриш навбати келган ўйинчи бир ёки бир неча донани тўғрилаб қўймоқчи бўлса, рақибни оғохлантириб, «Тўғрилаб қўйман» деб айтиши шарт.

(Давоми бор.)

Эркин УМАРОВ,
олий тоифали мураббий

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети жамоаси Ўзбек-инглиз таржима факультети кафедра мудири Гулноза Одиловага ўқаси

Ҳасанжон ОДИЛОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Мактабдан ташқари таълим: такомиллаштириш, янгилаш жараёни давом этмоқда

(Давоми. Боши 9-бетда.)

Ушбу таълим масканида 23 номдаги 42 тўгарак фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ўтган ўқув йилида республикамиздаги мавжуд "Баркамол авлод" болалар марказларида ўлкашунослик ва экология йўналишидаги жами тўгараклар сони 860тани ташкил қилди. 1815та гуруҳга бириктирилган 18 минг 232 нафар ўқувчи тўгарак машғулотларига жалб этилди. Тўгарак раҳбарлари орасида изланувчан, иқтидорли ва салохиятли мутахассислар кўп. Шулардан бири муассасанинг "Экодизайн" тўгараги раҳбари Сардор Ҳайдаров 2010 йилдан бери ҳунармандларнинг аънавий "Handmade" халқаро санъат кўргазмасида қатнашиб келади.

— "Очиқ эшиклар куни"нинг ўқув йили бошида ўтказилиши бежиз эмас. Хар бир ўқувчи ўз хоҳиш-иродасига қараб, тўгаракка аъзо бўлади. Мен раҳбарлик қилаётган "Экодизайн" тўгараги нисбатан янги йўналиш бўлгани учун қизиқаётган ука-сингилларимиз кўп. 3та гуруҳга 30 нафар ўқувчининг ҳужжатларини расмийлаштирдик. Улар ҳафтаининг белгиланган кунларида назарий ва амалий машғулотларда қатнашиб, экодизайн соҳасининг ўзига хос сирларини ўрганадилар, — дейди Сардор.

Мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини муайян мақсадга йўналтириш, турли маънавий таҳдидлардан асраш, умуминсоний ва миллий қадриятларни асраб-авайлаш, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда, шубҳасиз "Баркамол авлод" болалар марказларининг ўз ўрни бор. Шу жиҳатдан олганда, ота-оналар, педагоглар, маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари иштирок этган аънавий ушбу тадбир янги ўқув йилида белгиланган барча вазибаларнинг бекаму кўст бажарилиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулқар ТҲИМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Тимур КАЙСАРОВ,
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.



Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:


O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-924. Tiraj 35791.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.



"Ma'rifat"dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqриз
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'za yakuni — 21.50 Topshirildi — 22.15

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:

Akmal JUMAMURODOV.

Navbatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.